

Мен судга уй низосини ҳал қилиб бериш борасида ариза билан му-
рожаат қилган эдим. Орадан икки ҳафта ўтганидан кейин ариза
нима бўлаётганини сўрасам, суд котиби аризангиз кўрил-
масдан қолдирилди, деди. Шундай қилиш мумкинми?

5 бет

Улар талон-торож ва ўзлаштиришда шу даражага етишганки, ҳатто
унча катта бўлмаган шахсий тўловлари учун ҳам уюшма маблагидан
фойдаланиб қолмишга уринишган. Уяли телефон тўловлари
учун ҳам уюшма ҳисобидан пул ўтказиб келишган.

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Шарҳиш



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2012-yil 9-fevral, №6 (787)

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

Мангу барҳаёт ижод



таъсир кучи, теран фалсафий мушоҳадаларга бойлигидан англадики, буюк сўз сеҳр-гарининг ижодини қанча мутлолаа қилсак, қанча ўргансак, унинг ботиний қаватларига шунчалик чуқурроқ кириб бораверар эканмиз. Қаватлар эса беҳисоб ва бетакрор...
Неча асрдирки, шоирнинг мангу барҳаёт ижоди маънавият ва бадииятга чанқоқ қалбимизга "оби ҳаёт" тутиб, сўз жавохирларининг бебаҳо хазинасидан баҳраманд этиб келмоқда.

Навоий сўзини улуғлади, ўз навбатида сўз шоирни улуғла-

ди:
*Сўз гуҳарига эрур онча шараф,
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.
Тўрт садаф гавҳарининг дуржи ул,
Этти фалак ахтарининг буржи ул.
Боғчаи даҳрки юз тоза гул,
Топти қанқим назар этти кўнгул.*

Навоий сўз хазинасининг хазинабони ва сўз мулкининг султони сифатида сўзни қадрлади, бўлар-бўлмасга соҳмади, беҳудага сарфламади. Унга тўғри баҳо берди ва ундан бебаҳо маржонлар тизимини терди.

Улуғ мутафаккир яратган асарларнинг тадқиқотчиларидан бири Эргаш Очиллов шoir ғазалларидан жамланган "Бир пари пайкар ғами", деб номланган китобчага сўз боши эзиб, шундай дейди:

"Шарқ мумтоз санъатида нафақат янги гап айтиш, теран фикр ифодалаш, балки ана шу янги гап, теран фикрни қандай шаклда, қайси бадиий санъатлар воситасида акс эттириш ҳам муҳим бўлган. Бу адабиёт-

Неъмат АРСЛОН,
ёзувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

да бадиийликдан махрум қуруқ сафсатабозликка ружуъ қўйиш мазаммат этилган. Шоирга ҳаётини долзарб ва муҳим мавзуларда қалам тебратиш эмас, балки бадиий баркамол асарлар яратганлигига қараб баҳо берилган. Шунинг учун ҳам Шарқда шеърнинг ва шоирнинг қадри баланд тутилган".

Бу ҳақиқатнинг исботини Абу Аъло ал-Маарий яшаган даврларда Шарқда ҳар бир яхши мисраинг минг дирхам олтин билан баҳоланганлигида ҳам кўриш мумкин.

Биз улуғ шоир асарларини олтин билан ўлчамаймиз. Халқимизнинг Навоийга бўлган меҳру муҳаббати унинг ижодида берилган юксак баҳоидир. Эро, Навоий ҳазратларининг ўзлари ҳам шунини истаган ва "Ҳайрат ул-аброр"нинг сўнггида мана бундай сатрларни битган эдилар:

*Ераб агар бўлди қаломим узун,
Мундин ҳам журм қилибмен фузун.
Яхши эса бер сўруғимдин амон,
Бўлса ямон боштин-аёгим ямон.
Ҳам ямоним лутф била яхши қил,
Бўлди чу ул яхши қабул айлагил.
Жилва бер эл кўзига ҳам хуб ани,
Қилгил улус кўзига марғуб ани.*

Буюк мутафаккир шоирнинг илтиҳолари қабул бўлгандирки, асарлари эл-улус кўзига "марғуб ўлди", яъни ёқимли, сеvim-ли бўлди. Халқнинг бебаҳо хазинасига айланди ва мангулик дахлдор бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан жорий йилнинг 7 февраль куни оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ташкил этилди.

Матбуот анжумани

Ўтқиржон ДЕҲҚОНОВ,
"Huquq"

Унда қўмита 2011 йилда ўз фаолиятини Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақлиф қилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" ни амалда рўйбга чиқариш юзасидан қабул қилинган ҳаракат дастури асосида ташкил этганлиги қайди этиб ўтилди.

Айтиш жоизки, ўтган 2011 йилда қўмита томонидан мамлакатимизда ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш ишлари давом эттирилиб, қонунлар лойиҳасини ишлаб чиқишда жамоатчилик экспертизаси механизмидан кенг фойдаланиш амалиёти самарали йўлга қўйилди. Шу билан бирга, қонунлар лойиҳасини тайёрлаш жараёнидаги ахборот соҳасининг етук мутахассислари ва экспертлари, ҳуқуқшунослар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳам жалб қилинди. Шунингдек, мазкур қонун лойиҳалари Тошкент, Фарғона, Самарқанд ҳамда Чирчиқ шаҳарларида бўлиб ўтган халқаро ва минтақавий конференцияларда, соҳа ходимларининг ўқув-амалий семинарларида муҳокама этилди ва интернет тизимида ташкил этилган махсус сайтларга joyлаштирилиб, жамоатчилик экспертизаларидан ўтказилмоқда.

Вазирликлар ва идоралар, бошқа ижро этувчи тўзимларнинг раҳбарлари ахборот соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга оид энг муҳим масалалар юзасидан депутатлар олдига ахборот берганлар. Мисол учун, Ўзбекистон алоқа ва ах-

боротлаштириш агентлигининг "Ўзбекистонда дастурий таъминот индустриясини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ахбороти бўйича парламент эшитиши бўлиб ўтди. Парламент эшитувлари якунлари бўйича соҳалар фаолиятини тартибга солувчи барча қонун ҳужжатларининг инвентаризацияси ўтказилди, тармоқларни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари белгиланиб, қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Қўмита аъзолари бўлган депутатлар оммавий ахборот воситалари имкониятларидан ҳам самарали фойдаланганлар. Жумладан, ҳисобот даврида 246 та газета, 15 та журнал, 512 мартаба та телевидение, 596 марта радио, 138 та эса интернет сайтларида чиқишлар қилинган.

Матбуот анжуманида қўмитанин жорий йилдаги устувор фаолияти ва Концепцияда тақлиф этилган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги, "Телерадиоэшиқтиришлар тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги янги қонунлар лойиҳалари хусусида ҳам кенг ахборотлар берилди.

Тадбир сўнггида қўмита аъзолари журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтаришди ва ўзаро ҳамкорликни янада кучайтиришга келишиб олдилар.

Мустаҳкам оила — барқарорлик асоси

Инсон ҳамиша эзгу ниятлар, орзу-умидлар билан яшайди. Бахтли ҳаётга эришиш одамзотнинг олий мақомидир. Халқимиз ана шу бахтни ота-онада, умр йўлдошида, фарзандида, бир сўз билан айтганда, оиласининг мустаҳкамлиги, тинчлиги, аҳил-иноқлигида кўради.

Шинам уй-жой, тинчлик ва хотир-жамлик, ишдаги барака, рўзгордаги тўкинлик, оқил ва соғлом фарзанд камолоти... Буларнинг барчасини ягона мақсад бирлаштиради. Президентимиз Ислам Каримов 2012 йилни юртимизда "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилганини эшитганимда ҳаёлимдан ана шундай уйлар ўтди. Биз танлаган йил — тараққиётнинг "Ўзбек модели", инсон манфаатлари кўзланган ислохотлар, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган эътибор, шаҳару қишлоқларни обод этиш замирида ана шу мақсад — оилавий бахт, мустаҳкам оиланинг барқарор бўлишидек

эзгу мақсад мужассам эканини янада чуқурроқ англадим. Юртобшамизнинг Конституция байрами тантанасида айтган гапини эсладим: "Бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша келажagini уйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди".

Инсон онги, характеридаги энг яхши фазилатлар, дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезонлар, аввало, оила бағрда куртак ёзади. Хар бир боланинг тартига қандай инсон бўлиб вояга етиши, иқтидорининг шаклланиши, нима-

ларга қизиқиши унинг қандай оилада тарбия топганига ҳам боғлиқ.

Ота-боболаримиз оилавий тарбияга гоят долзарб ва нозик масала сифатида алоҳида эътибор қаратган. Келин қилиш, қиз узатишда бўлгуси келин ёки кўвнинг аввало қандай оилада тарбиялангани суриштирилади. Шу боис, фарзандимизнинг бахту саодати, ёруғ келажаги учун ҳаракатни у дунёга келган кундан бошлаймиз.

Жамиятнинг муҳим бугуни бўлган оила институтини мустаҳкамлаш, юртимиздаги маънавий ўзгаришлар учун барча ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилди. Хусусан, Конституцияимизнинг алоҳида бобида оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгиланди. Оила, Фуқаролик, Уй-жой кодекслари бошқа қонун ҳужжатларида оилавий муносабатларнинг азалий қадриятлари ўз ифодасини топти.

Баркамол авлод — халқимизнинг мустақиллик туфайли рўйбга чиқаётган энг катта орзуси. Истиқлол фарзандлари бугун илм-фан, спорт, санъат, маънавият ва маърифат, тадбиркорлик каби барча соҳаларда улкан муваффақиятларни қўлга киритмоқда.

Оила мустаҳкам экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор бўлади, соғлом оилада соғлом фарзандлар вояга етади. Ана шу мақсадларни ўзида мужассам этган "Соғлом оила — соғлом бола" концепциясининг мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилиши самарасида бугун Ўзбекистон болалар саломатлигига энг ғамхўр бўлган етакчи мамлакатлар сифидан жой олди. Оилаларда соғлом муҳитни яратиш, оналар саломатлигини сақлашнинг юксак натижалари яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола" мавзусидаги халқаро симпозиумда ҳам алоҳида эътироф этилди.

[Давоми 4-бетда]

Мамакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Фуқаролик жамиятининг мустақкам асослари яратилиб, иқтисодиёт бир маромада ривожланиб, турмуш шaroитлари яхшиланимоқда. Бу ҳолат кўна ва навқирон Марғилон шахри мисолида ҳам яққол кўзга ташланали.

Асосий вазифалар

Анваржон АДҲАМОВ,
Марғилон шаҳар прокурори ёрдамчиси

Ўтган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"да яратилган қулай шaroитлардан фойдаланган марғилонлик иш билармонлар бир қатор катта-кичик корхоналарни ишга туширдилар, хариддоргир тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтирдилар.

Шаҳар прокуратураси томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги қонун ҳужжатлари, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши ўрганилиб, таҳлил қилиб борилди ҳамда қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш ва олдини олиш устида иш юритилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мунтазам равишда иш олиб борилди. Бу соҳада ўтказилган таҳлилларда аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш учун 1048 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Протест келтириш воситасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари мансабдор шахсларининг 112 та қонунга зид ва асосиз ҳуқуқий ҳужжатлари бекор қилинди ёки қонунга мувофиқлаштирилди. Аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 67 та тақдимнома киритилиб, бартараф этилди. 109 нафар мансабдор шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 11 та жиноят иши кўзга тилиди.

Шаҳримиздаги корхона ва ташкилотларда ишлаётган 533 нафар ишчи-хизматчиларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Судга давво аризалари киритилиб, ўз вақтида тўланмаган 198 млн. сўм иш ҳақлари ундириб берилди.

Шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, иш ҳақи, пенсия ва нафақалари ўз вақтида тўлаб беришга оид қонунлар ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган йил мобайнида бу борадаги таҳлилларнинг натижаларига кўра 50 та протест келтирилиб, ғайриқонуний ҳужжатлар бекор қилинди. 7 та ҳолатда тақдимномалар киритилиб, қонунбузилишлари бартараф этилди. 6 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, 3 та жиноят иши кўзга тилиди.

Хусусан, "Йўрмадўз" МФЙда ҳуқуқатимизнинг кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини ташкил этишга оид қарори, вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом талабларига риоя этилиши ўрганилиб, бир қатор жиддий қонунбузилиши ҳолатлари аниқланди. Жумладан, Низом талабларига зид равишда нафақа тайинлаш ҳақидаги аризалар бўйича ҳулосалар бериш 20 кишидан иборат комиссияга ҳавола этилмаган. Ариза берган фуқароларнинг моддий шaroитлари, даромадлари ўрганилиб, комиссиянинг ҳулосаси олинмаган. Қарор қабул қилинмаган бўлса-да, 2010 йил мобайнида 33 нафар фуқарога 34,3 млн. сўмга яқин нафақа тайинланган.

/Давоми 8-бетда/

Прокурор тақдимномаси кўрилди

Жорий йилнинг 8 февраль куни Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Муҳиддин ВОҲИДОВ,
Бухоро вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Маъмур ийгилишида вилоят прокурорининг 2011 йилда вилоят ҳудудида вояга етмаганларга оид қонунларнинг ижро этилиши ҳамда улар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва қонунбузарликларнинг сабаблари ҳақидаги тақдимномаси муҳокама этилди.

Комиссия вилоят аҳолиси сонининг қарийб ярмини ташкил қилган вояга етмаганларнинг ҳаёти, саломатлиги, ўқиши ва тарбиясига оид масалаларда жойлардаги мутасадди ташкилотлар томонидан йўл қўйлаётган жиддий нуқсон ва қонунбузарликлар ҳақидаги тақдимномани атрофича вилоят прокуратураси вакиллари, тегишли соҳалар раҳбарлари ва мутахассислар иштирокида муҳокама қилди.

Шунингдек, комиссия прокуратуранинг ўсмирлар томонидан ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш борасидаги ишларни кучайтириш жонлиги ҳақидаги фикрини ҳам

қўллаб-қувватлади.

Йиғилишда шаҳар-туман ҳокимликлари ҳузуридаги комиссиялар томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 январдаги "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини янада тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 13-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг тегишли қарорлари талаблари тўлиқ бажарилмаётганлиги эътироф этилиб, уларнинг масъулиятини ошириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Комиссия ўз йиғилишида ташкилий масалани ҳам кўриб чиқди, яъни вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи М.Ёсанов вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раиси этиб тайинланди.

Одам савдосига йўл қўйилмайди

Бундан беш-ўн йил муқаддам чет элга иш излаб кетган

фуқароларнинг аксарияти одамфурушлар қўлига тушиб, офир шaroитларда яшашга мажбур қилиниб, қудай ишлатилганлиги, бундан-да ачинарлиси, улар меҳнат ҳақларини-ю фуқаролик паспортларини ололмадан, сарсон-саргардон бўлганликлари каби ҳолатлар ҳақида тез-тез эшитардик. Бу ҳақда ОАВ орқали ҳам бот-бот турли материаллар бериб борилди. Шу билан бирга, бундай нохуш ҳолатларга барҳам бериш мақсадида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши билан ушбу жиноий қилмишга қарши курашиш, унинг олдини олиш ҳамда бу иллатдан қурбонларга ёрдам кўрсатишнинг ҳуқуқий қафолатлари белгилаб берилди. Мазкур қонун, унинг асосида қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини ҳақли уртасида тушунтириш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳодимларидан иборат ишчи гуруҳлари томонидан кенг қўламадаги тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.

Шунга қарамастан, юртдошларимиз орасида ушбу жиноят қурбонлари хали ҳам унраб турибди. Уларни ўз нафиси йўлида "қурбон" қилаётганлар ҳам беғоналар эмас, юртдошларимиздир. Балои нафс йўлида ўз таъминларини сотишдан ҳам тоймаганлардан бири 1960 йилда Кўкшўлр туманида туғилган, ҳозир Урганч тумани-

да истиқомат қилувчи Тиркаш Маматов бўлиб чиқди.

2006 йилдан буён фарзандлари билан Қозғистонда ишлаб келаётган Т.Маматов қозғистонлик Усмон исмли шахс билан танишиб қолади. Ундан гишт заводи борлиги, ишловчи йигитлар бўлса, уларга 200 АҚШ доллари миқдорида маош беришни эшитиб, ўзича хомчўт қилиб қўрган Тиркаш орадан 3-4 кун ўтиб, хотинига қўнғирок қилади-да, ишлаш истигадиги йигитларни топиб, юборишни тайинлайди.

Малика дарҳол ишга киришиб, ҳамқишлоқлари, таниш-билишларига Тошкентда мўмай даромадли иш борлиги ҳақида гапира бошлайди. Ниҳоят, қўшниси Мунаввара опа "Яхши иш бўлса, ўғлимни ҳам юбораман. Ўзим сизга одам топишга кўмаклашаман", дея ваъда беради.

Шундай қилиб, Мунаввара опа ўғлига қўшиб, унинг икки дўстини ҳам гишт заводида ишлашга кўндиради. Бу пайтда Маликанинги собиқ ҳамкасби А.Дониёров ҳам кетишга тайёрлигини билдиради. Кейинчалик, жабрланувчи Э.Тожиёвнинг судда кўрсатма беришича, йигитлар фибрибга учиб қолмаслик учун Маликадан "Эрим сизларни сотиб кетмайди. Сариёғоч туманидаги гишт заводида ишлай сизлар. Бориш-келиш харажатларини эрим Т.Маматов тўлайди", деган мазмунда тилхат ҳам ёздириб олишди. Уларни Тиркашнинг ўғли Тошкентга қузатиб қўяди. Қозғистонга ўтиш жараёнида, декларация тўлазишайтган пайтдагина

Азизбек ВАҲАБОВ,
Урганч туман прокурори

чет давлатга кетишайтганини билишади.

Манзилга етиб келгач, гишт заводи директори шaroит билан таништирар экан, "Икки ойга шартнома тузмас. Хохласангир, яна ишлайверасизлар", дея шартнома тузиш баҳонасида уларнинг паспортларини олиб қўяди. Шартнома муддатига туғагач, ундан паспортларини қилиб иш ҳақларини талаб қилишганда эса, "Иш ҳақларинини икки ой олдин Тиркашга берганман", деб жавоб қайтаради. Ҳақиқатан ҳам йигитларни ишга олиб берган Т.Маматов ўша куни завод ҳисобчиси Убайдулло исмли шахсдан 1000 АҚШ доллари олганди. Чорасиз қолган йигитларга завод директори йўл пули ва Т.Маматовнинг манзилини беради. Ундан иш ҳақларини талаб қилиб боришганида, у рад қилади. Дўқ-пўписи қилиб, улардан қутулиш йўлини излайди. Қишлоққа қайтгандан кейин ҳам турли баҳоналар билан пулларни бермагач, йигитлар Урганч туман прокуратурасига мурожаат қиладилар.

Шундан кейингина нафсини ўз ҳамқишлоқларидан устун қўйган Т.Маматов қонуний жазога тортилди.

Шу ўринда яна бир қарра юртдошларимизни огоҳликка, ҳушёрликка чорламоқчимиз. Агар Т.Маматовнинг алдони қурбони бўлган йигитлар чет давлатларга чиқиб ишлаш тўғрисидаги тартиб-қоидаларга амал қилишганида бу қадар жабр кўришмаган бўларди.

Инсонпарварлик рамзи

Юртимизда азалан алашганга йўл кўрсатиб, йиқилганини суяш одат тусига айланган. Мустақилликка эришганимиздан сўнг ушбу умуминсоний қадриятларга янада кенгроқ эътибор қаратилди ва бу тамойил йилдан-йил янада ривожланиб бормоқда.

А.ЭРСАИДОВ,

Кўнғирот махсус прокурори

Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинаётган амнистия тўғрисида қарорлар бунинг яққол намунаси. Уларга асосан, билиб-билмай ёки эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир қилган фуқаролар жазодан озод қилиниб, уларга янги ҳаёт бошлашлари, мустақил юртимизнинг раванки йўлида ҳалол меҳнат қилишлари учун имконият яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йил 5 декабрда қабул қилган қарори ижросини таъминлаш юзасидан жазони ижро этиш колонияларида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Кўнғирот махсус прокуратураси, ҳудуддаги жазони ижро этиш муассасалари, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, МХХ хизмати Қорақалпоғистон Республикаси Бошқармаси, туман ҳокимлигининг масъул ҳодимларидан иборат ҳудудий тезкор гуруҳ тўзлиб, улар жазони ижро этиш муассасаларидаги маҳкумларга тушунтириқлар бериш каби ишларни амалга оширишмоқдалар. Жумладан, жазо муддатини ўтаётган бир гуруҳ маҳкумларга амнистия тўғрисидаги қарорни қўллаш масаласи Жазони ижро этиш колонияларида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат бўйича Кўнғирот махсус прокурори тақдимномасига асосан, жиноят ишлари бўйича Кўнғирот туман судининг сайёр суд мажлисида кўриб чиқилмоқда.

Масалан, 2010 йил 15 сентябрь куни жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг ҳукмига биноан, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "а" банди, 28, 211-моддаси 3-қисми "а" бандида кўрсатилган жиноятларни содир қилган маҳкума М.Аҳмедовани қарорнинг 1-банди "а" кичик бандига асосан жазодан озод қилиш ҳақида Кўнғирот туман судига илтимоснома киритилиб, суд томонидан қаноатлантирилди. Маҳкума М.Аҳмедова жазо муддатини ўташдан озод қилинди.

Бундан ташқари, 2008 йил 7 ноябрда жиноят ишлари бўйича Муборак туман судининг ҳукми билан ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми "в" бандида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилди, 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган маҳкум Ш.Баҳоровга ҳам қарорнинг 4-бандини қўллаб, жазодан озод қилиш масаласи суд мажлисида кўрилиб, у жазо муддатини ўташдан озод қилинди.

Ҳа, инсон билиб-билмай хато қилиб қўйиши мумкин. Лекин уни вақтида англаб, тегишли ҳулоса чиқарса, жазодан озод этилиши имтиёз деб билмай, тўғри ҳаёт бошлаши учун яратилган имконият деб тушуна, тўғри бўларди. Зеро, ҳар биримиз шу юрт учун, фарзандларимизнинг бахтли, фаровон келажаги учун масъул эканлигимизни унутмаслигимиз шарт.

Фуқаролар манфаати йўлида

Кашқадарё вилоят прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Бош прокурорнинг "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокурорлик фаолияти самарадорлигини янада ошириш тўғрисида"ги буйруғи талаблари ҳамда Бош прокуратура ҳайъати қарорлари, топшириқ, кўрсатма ва йўналтирувчи хатлари асосида 2011 йилда бир қатор тadbирлар амалга оширилди.

Прокуратура органлари томонидан ўтказилган 302 та текшириш натижаларига кўра, қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 670 та тақдирнома киритилиб, 670 қонуний ҳужжатларга нисбатан 2157 та протест келтирилган. 1950 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилиб, жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 154 та жиноят иши кўзга тутилган. Етказилган 3,1 млрд. сўмлик зарар ихтиёрли равишда ундирилган, 137 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Қонунлар ижроси устидан назоратни таъминлашда асосий эътибор ҳуқуқимиз томонидан белгиланган устувор йўналишлар, иқтисодий эркинлаштириш, тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, давлат мулки ва бюджет маблағларининг сарфлаши, ёқилги-энергетика ресурсларидан фойдаланишга қаратилган қонунлар, Президент Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг ижро этилиши устидан назорат тadbирлари кучайтирилишига қаратилди. Қўрилган чора-tadbирлар натижасида вилоятда молиявий ва ҳўжалик фаолиятининг барқарорлигига ва иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичларнинг яхшиланшига эришилди.

Хусусан, вилоят бўйича амалдаги нарҳда 4192,0 млрд. сўмлик саноат махсулоти ишлаб чиқарилиб, бу кўрсаткич 2010 йилнинг шу давридагига нисбатан 105,2 фоизни ташкил этган.

2011 йилда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси бўйича ўтказилган 34 та текшириш натижасига кўра, 463 дан ортқ прокурорлик назорати ҳужжатлари қўлланилиб, аниқланган қонунбузарликлар бўйича 51 та жиноят иши кўзга тутилган.

Масалан, Ғузор тумани "Савбоғ" МФЙ мансабдор шахслари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги Қарори талабига зид равишда, 22 та ҳолатда 4,9 млн. сўмлик нафақа пуллари ошқ-

ча тўланганлиги оқибатида давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилган. Шунингдек, Чирочқ тумани "Янги ҳаёт" МФЙ қошидаги комиссия мансабдор шахслари томонидан ваколатларнинг суистеъмол қилиниши натижасида 18 та ҳолатда 5,2 млн. сўмлик ижтимоий нафақа пуллари ошқича тайинланиб, давлатнинг кўп миқдордаги мулки ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинган. Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари кўзга тутилди, айбдор шахсларга нисбатан суд ҳукмига асосан жазонинг муқаррарлиги таъминланган.

Иш ўринлари ташкил этиш, меҳнатга оид қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилган. Натижада вилоят бўйича ўтган даврда 86890 та янги иш ўринлари яратилиб, белгиланган режага нисбатан 100 фоизга бажарилган. 2011 йилда бандликка кўмаклашиш марказларига 57419 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат қилган, шундан 5900 нафари ишсиз деб эътироф этилган.

2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастурида белгиланган 8 та йўналиш бўйича вилоятда янги иш ўринлари яратиш режаси 101,2 фоиз бажарилган. Меҳнат ва бандлик тўғрисидаги қонунлар ижроси бўйича ўтказилган текширишлар бўйича 342 та прокурорлик назорати ҳужжатлари қўлланилди. 27 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди ва жиддий қонунбузилишлар юзасидан 2 та жиноят иши кўзга тутилди.

2011 йил 1 январь ҳолатида вилоятдаги мониторингга олинган вазирликлар тизимидаги ҳўжалик юртувчи субъектларда иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик 23,1 млрд. сўмни ташкил этган. Ўтказилган назорат тadbирларида, айрим корхоналарда тўлов интизоми ва иш ҳақларининг берилишига доир қонун талаблари бузилганлиги аниқланиб, кескин чоралар қўрилмоқда. Масалан, "Қамаши МТП" ДАЖ мансабдор шахслари томонидан 2011 йил 1 ноябрь ҳолатида 6,8 млрд. сўмлик дебитор қарзларни ундиришнинг қонуний чоралари қўрилмаганилиги оқибатида ишчи-хизматчиларнинг 33,4 млн. сўмлик иш ҳақларидан қарздорлик вужудга келиб, уларнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилган.

Дехқонобод калйили ўғитлар заводи дирекцияси томонидан эса 2011 йил 1 декабрь ҳолатида ишчи-хизматчиларнинг 497,5 млн. сўмлик иш ҳақлари тўлаб берилмаганлиги, 1,2 млрд. сўмлик солиқ ва бошқа тўловлар қасддан қамайтириб кўрсати-

Шерали САНАЕВ,
Кашқадарё вилоят
прокуратураси бўлим бошлиғи

либ, тўлашдан бўйин товланганлиги ва бошқа жиддий қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди ва мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари кўзга тутилди, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда тadbиркорлик субъектларининг улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Биргина вилоятимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларини кредитлаш йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 2011 йилда жами 189.240,3 млн. сўм кредит ажратиш белгиланиб, 8137 та кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларига амалда 216.947 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилган ва натижада 29118 та янги иш ўринлари яратилган. 2011 йилда прокуратура органлари томонидан кичик ва ўрта бизнес корхоналари, фермер ва деҳқон ҳўжаликларини ташкил этиш, тadbиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар ижросига жиддий эътибор қаратилди. Бош прокуратура ҳайъатининг 2010 йил 30 июлдаги мажлиси қарори 4.4-банди ижроси талабларидан келиб чиқиб, ўтган йили ҳар ойда икки марта мутасадди идоралар раҳбарлари ҳамда Савдо-саноат палатаси вакиллари билан биргаликда жойларда тadbиркорлар, жумладан, кичик бизнес субъектлари билан учрашувлар ташкил қилиниб, уларни қийнаётган муаммолар бартараф этилди.

Хусусан, 2011 йилда ўтказилган учрашувларда мурожаат қилган 104 нафар шахсга 3,8 млрд. сўм миқдорда кредит, 4 нафар фермерга 52,5 гектар, 30 нафар тadbиркорга асаларичилик, деҳқон ҳўжаликлари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун 75,96 гектар ер майдони ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, Қарши туманида тadbиркорлар билан ўтказилган учрашувада мурожаат этган "Робия Трайд импорт" хусусий корхонаси раҳбари Робия Бердиқуловага 100 млн. сўм кредит маблағи ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, Қамаши тумани А.Навоий МФЙ Навоий кўчаси, 44-уйда яшовчи фуқаро У.Жумаевага "Роҳатой Файратовна" хусусий тикувчилик корхонасини рўйхатдан ўтказиш ва 4,9 млн. сўм кредит олишда ёрдам кўрсатилди. Натижада корхона томонидан 3 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

/Давоми 7-бетда/



Важлари қаноатлантирилди

Ўтган 2011 йилнинг декабрь ойи охирида Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани "Коксу" АФЙла яшовчи фуқаро Каримбой Караматдинов 42 йилга яқин меҳнат стажига бўлагани ҳола, олдий пенсионерларга тенг миқдордаги сумма билан қаримлик нафақасига чиққанлигидан норозилигини билдириб, тadbириятга мурожаат қилган эди. Ушбу мурожаат бўйича яқинда Чимбой туман прокурори А.Аспетуллаевдан қўйналгича жавоб хатини олдик:

"Умумий иш стажини 41 йил 12-у 7 ойдан иборат бўлган фуқаро К.Караматдинов 2011 йилнинг 12-май санасида Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Чимбой филиали бўлимига ёшга доир пенсияга чиқиб учун ариза берган. Ва, шу кундан эътиборан, унга (198 миңг 350 сўм 33 тийин пенсия пули тайинланиши лозим бўлгани ҳолда) май, июн, июль ойлари учун 105 миңг 242 сўм 60 тийиндан пенсия пули тайинланиб, тўлаб келинган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 июлдаги Фармонида асосан август ойида 228 миңг 103 сўм 20 тийин тайинланиши лозимлигига қарамал, августдан то ноябрь ойларига қадар ҳар бир ойга 121 миңг 27 сўм, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 3 ноябрдаги Фармонида асосан эса 1 декабрь кундан бошлаб 250 миңг 913 сўм 31 тийин тўланиши лозим бўлгани ҳолда 133 миңг 127 сўм 20 тийин миқдорда пенсия пули тўлаб келинган...

Текшириш давомида маълум бўлдики, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Чимбой тумани бўлими пенсия ва нафақаларни тайинлаш гуруҳи 1-даражали инспектори К.Ембергенова К.Караматдинов томонидан пенсияга тайёрлаш учун топширилган ҳужжатларнинг асослигини текшириб кўрмаган. Натижада 2011 йил 12 май кундан бошлаб, 105 миңг 242 сўм 60 тийин, яъни энг кам пенсия миқдори тайинланиб тўлаб келинган. Бу билан Ўзбекистон Республикаси Азия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтган 2007 йил 3 сентябрдаги "Пенсия ҳўжатларини ва уларни тўлдирishi қоғда-лари, пенсионерларнинг ҳўжатларини расмийлаштириш ва юри-тиш тартиби ҳақида"ги қўлланманинг 26-банди талаблари асосида иш юритилмаганлиги маълум бўлган.

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Чимбой тумани бўлими томонидан 2011 йил 12 майдан 31 декабрь санасигача фуқаро К.Караматдиновга пенсия пулидан 792 миңг 373 сўм 87 тийин миқдордаги маблағ кам тўланган ва жорий йилнинг январь ойи пенсия пулини тўлаш учун 25 миңг 913 сўм 31 тийин ҳўсобилашиб, ведомостта жами 1 млн. 43 миңг 287 сўм 18 тийин ёзилиб, тўланиш учун тайёрланган.

Мониторинг давомида 1-даражали инспектор К.Ембергеновага нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзга тутилди. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Чимбой тумани бўлимига кўриб чиқиб узу юборилди.

К.Караматдиновнинг аризасида кўрсатиб ўтилган важлар қаноатлантирилди".

Камчиликлар бартараф этилди

"...Мутахассислар томонидан Алишер Навоий мавзесидаги 55-Ҳўрлик номи маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли 62, 63, 64, 65, 67, 68 ва 69-кўп қавати уйлара яшовчи фуқаролар 3.Шокирова ва бошқаларнинг табиий газ, электр энергияси ва сув таъминотининг аҳволи талаб даражасида эмаслиги хусусида тadbириятга ёзган аризаси ўрганиб чиқилди", — деб жавоб берди Қўқон шаҳар прокурори М.Абдурахмонов.

Аниқланишича, Алишер Навоий мавзесидаги юқорида қайд этилган кўп қаватли уйлارнинг электр энергияси таъминоти 6 кВ "Машраб" узатмасидаги К-42 русумли, икки трансформаторли, қуввати 250 кВ бўлган, 176-сонли ТПдан амалга оширилади.

Қишки мавсумда ҳароратнинг кескин пасайиши билан газ босими ўзгариб, аҳолига меъёр даражасида етказилмаётганлиги ва кўп қаватли уйларада иссиқлик энергия таъминоти етарли бўлмаганлиги учун электр энергиясидан иситиш мақсадида ностандарт иситкичлардан фойдаланиш натижасида электр энергия истеъмоди меъёридан ортқ, трансформатор зўриқиб билан ишлагани натижасида чўлғамларнинг қуйишга олиб келган. Оқибатда турар жой биноларини тақсимлаш шитига борган ер ости 0,4 кабели ва унинг бошидаги рубльниқда юклама тақсимоти бузилиб, меъёрий сақлагичлар, рубльник ва кабеллар қуйиши оқибатида электр энергия таъминотида узиллишлар келиб чиққан.

Бундан ташқари, энергетика тизимининг автоматик ўчириш ҳимояси ишлаган пайтда шаҳарни электр энергия билан таъминловчи воситаси ҳаво линияларини ўчириш ҳам электр таъминотида узиллишларга олиб келган ва бу ҳолатлар аҳоли эътирозига сабаб бўлган.

Ҳозирги кунда юқоридаги ҳолатлар юзасидан маҳалла фуқаролар йиғинига маълум қилиниб, шаҳар электр таъминоти корхонаси томонидан 176-сонли ТП электр қурилмаларидаги носозликлар бартараф этилган. Трансформатор таъмирланиб, хонадонларни электр энергияси билан таъминлаш йўлга қўйилган. Шунингдек, аризада кўрсатилган, ТП-176га уланган "Тишириқ ва пойфаал цехи"нинг электр таъминоти ўрганилганда, цех фаолияти вақтинча тўхтагани маълум бўлди.

Электр таъминотидаги вақтинчалик чеклашлар шу ҳудудни ичимлик суви билан таъминловчи сув насосларининг тўхтовсиз ишлашига ва аҳолини мунтазам равишда ичимлик суви билан таъминлашга салбий таъсир қўрсатган ва ҳозирги кунда бу камчиликлар бартараф этилган.

Юқорида санаб ўтилган кўп қаватли уйларнинг пастки қаватидаги хонадонларда, шаҳарга етказиб берилмаётган газ босимининг пастлиги туфайли табиий газ билан таъминланган меъёридан пастроқ даражада эканлиги маълум бўлди. Ушбу кўп қаватли уйларнинг газ таъминотини яхшилаш учун маҳалла фуқаролар йиғини билан келишган ҳолда лойиҳа-смета ҳўжатларини асосида янги, ўрта босимли, газ қувурининг қурилиш-монтаж ишлари бошланган ва бу ишларни якунига етказиш режалаштирилган. Шу йўл билан юқорида кўрсатиб ўтилган кўп қаватли уйлара яшовчи аҳоли хонадонларига табиий газ етказиб бериш чоралари қўрилган".

Инсонпарварлик тамойили асосида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарор ижросини таъминлаш юзасидан прокуратура органлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Амнистия тўғрисидаги қарор ва уни қўллаш тартиби ҳақидаги Низоми ҳамда Республика Бош прокурорининг 2011 йил 22 декабрдаги топшириги талабларидан келиб чиққан ҳолда туман, шаҳар ҳамда қамқоққа олинганларни сақлаш ва жазони ижро этиш жойларида қонунарга риоя этилиши устидан назорат бўйича Навоий вилоят прокуратура органларига топшириқлар юборилиб, ижроси назоратга олинди. Вилоят ҳокимининг 2011 йил 24 декабрдаги те-

гиши қарорига асосан Низоми талабларидан келиб чиққан ҳолда жамоатчилик назорати ва очик-ошкораликни таъминлаш мақсадида Халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашининг қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг минтақавий вакили ва бошқалардан иборат ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланди. Бундан ташқари, Низомининг 20-банди ижросини таъминлаш мақсадида прокуратура ва жазони ижро этиш муассасалари ходимларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, ҳамкорликда фаолият олиб боришмоқда.

Вилоятда 2011 йилнинг декабрь ойи давомида жиноят ишлари бўйича вилоят судлари томонидан Олий Мажлис Сенатининг Амнистия тўғриси-

даги қарори 322 нафар шахсга нисбатан татбиқ этилган, шундан қарорнинг 1-банди 36 нафар, 2-банди 37 нафар, 3-банди 28 нафар, 4-банди 8 нафар, 7-банди 213 нафар шахсга нисбатан қўлланилган. Қарорнинг 1-бандига асосан 19 нафар аёл, 7 нафар вояга етмаган ва 10 нафар олтмиш ёшдан ошган эркаклар, 7-бандига асосан 37 нафар аёл, 9 нафар вояга етмаган, 3 нафар олтмиш ёшдан ошган эркак, 1 нафар чет эл фуқароси ва 163 нафар ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахслар жазодан озод этилган. Жумладан, 1994 йилда туғилган Фиёс Буриев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 1- ва 3-қисмида назарда тутилган жиноятни қасдан содир қилганликда айбонлиб судга берилган. Жиноят ишлари бўйича Кармана туман суди томонидан айбла-

нувчи Ф.Буриевнинг ўзига нисбатан юритилган жиноят ишнинг амнистия тўғрисидаги қарорнинг 7-бандига биноан жиноят иши юритишдан тугатилди.

Прокурорлар илтимосномасига асосан жами 44 нафар шахсга нисбатан жиноят ишлари амнистия актига асосан ҳаракатдан тугатилган бўлиб, шундан 21 таси прокуратура терговига ва 23 таси вилоят ИИБ терговига тўғри келган. Жазони ижро этиш жойларидан жами 47 нафар маҳкум озод этилди. Муқаддам амнистия тартибида жазодан озод этилган 6 нафар шахсга нисбатан яна амнистия акти қўлланилган бўлиб, шундан 2 нафарини вояга етмаган ва қолган 4 нафарини ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахслар ташкил қилган.

Амнистия актига асосан ҳаракатдан тугатилган 159 на-

Шавкат ҒАҒҒОРОВ,
Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

фар шахсга нисбатан 108 та жиноят иши бўйича 84 млн. 411 минг сўмлик зарар аниқланган. Шундан дастлабки тергов жараёнида 50 млн. 351 минг сўми қопланган. Зарарни ундириш бўйича судларга 3 та 3 млн. 60 минг сўмлик даъво аризалари киритилди.

Амнистия тўғрисидаги қарорнинг мазмуни ва моҳиятини жамоатчиликка етказиш мақсадида корхона, муассаса, ташкилотларда, маҳалла фуқаролар йиғинларида давра суҳбатлари, йиғилишлар ўтказилиб, прокуратура органлари ходимлари томонидан маърузалар ўқилмоқда. Бу борада вилоятда оммавий ахборот воситалари билан мунтазам равишда ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Сурхонадэ вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигинда ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонуналар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан мунтазам назорат тадбирлари ўтказилмоқда.

Фермер ҳуқуқлари қонун ҳимоясида

Маъзур йўналишда пахта ва ғалла экиладиган майдонлар мониторингини мунтазам ўтказиб бориш, ер ажратишдаги суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш, гидротехника, мелиорация иншоотлари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлашда хўжасизлик, минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш, давлатга пахта, ғалла ва пилла сотиш бўйича контрактация шартномаларининг бажарилиши, айнқисса, фермер хўжалиқларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари диққат-эътибор марказида бўлди.

Деҳқон-фермер хўжалиқларини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш прокурорларнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

Ушбу йўналишда 2011 йилда ўтказилган текшириш ва мониторинглар натижаси бўйича 1164 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Судларга фуқаролар томонидан ўзбошимчилик билан эғаллаб олинган ер майдонларини фермер хўжалиқларига қайтариш юзасидан 1069 та аризалар киритилиб, 102 та фермер хўжалиқларининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан фермер хўжалиқларига 73,2 млн. сўм дебитор қарзларни ундиришда амалий ёрдам кўрсатилди. 61,02 гектар ер, 235,7 тонна минерал ўғит, 69,6 тонна нефть, 6 дона қишлоқ хўжалиги техникалари, 703,8 млн. сўмлик банк кредити, 18,2 млн. сўмлик иш ҳақлари, 11,0 млн. сўмлик эҳтиёт қисмлар қонуний асосда ажратиб берилиши, 15 та фермер хўжалиқларига банқдан ҳисоб рақам очишда ёрдам кўрсатилди.

Жумладан, Сарюсий тумандаги "Тўпаланг олтин балиғи" фермер хўжалигига балиқчиликни ривожлантириш учун кам миқдорда ер майдони ажратиб берилганлиги аниқланиб, прокуратура аралашуви билан 9 гектар сувли ер майдони балиқчилик учун ажратиб берилди.

Денов туманида яшовчи фуқаро Х.Мирзақулов ва бошқаларнинг "Микрокредит-банк" Денов бўлими раҳбарларининг ноқонуний ҳаракатлари тўғрисидаги аризаси юзасидан ўтказилган текширишда,

Ҳушмамат БЕКМУРАТОВ,
Сурхонадэ вилоят прокуратураси бўлим прокурори

"Фаррух" фермер хўжалиги бошлиғи Х.Мирзақулов томонидан "Микрокредит-банк" Денов бўлими ҳисоб рақамига лизинг орқали техника олиш учун 22 млн. 872 минг сўм маблағ ўтказиб берилганлиги, бироқ у тракторни ҳам, тўлаган маблағини ҳам қайтариб ололмаганлиги аниқланди. Прокуратура аралашуви билан "Фаррух" фермер хўжалигига банк томонидан 22 млн. 872 минг сўм пул ўтказиш йўли билан тўлик қайтариб берилиши таъминланди.

"Шўрчи пахта" ОАЖ томонидан Олтинсой туманидаги "Турди ота", "Бажарувчи", "Оқарбулоқ АСС" ва "Тойлоқ массиви" каби фермер хўжалиқларига 2010 йилда етказиб берилган пахта хомашёси учун тўланмасдан қолган 26,8 млн. сўмлик қарзни ундириш ҳақида вилоят хўжалик судига аризалар киритилиб, бузилган ҳуқуқларнинг тикланиши таъминланди.

Сарюсий туман ҳокимининг 2008 йил 14 ноябрь кунги қарори билан "Зумрад" фермер хўжалиги билан тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси хўжалик раҳбари номидан ёзилган сохта ариза асосида бекор қилинганлиги аниқланиб, ҳоким қарорига нисбатан протест ва судга ариза киритиш йўли билан ер қайтариб берилишига эришилган.

ОАТБ "Агробанк" Музработ туман филиали мансабдор шахслари эса ўзаро жиноий тил бириктириб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш йўли билан филиал миқозини — "Тилов хожи Н.Ш.Ш." фермер хўжалигининг маблағларига қўз олайтиришди. Унинг номига қишлоқ хўжалиги эҳтиёт қисмларини олиш мақсадида 30 млн. сўм кредит маблағларини олишида фермер хўжалиги ҳисоб рақаминда мавжуд бўлган кредит маблағларининг 12,1 млн. сўмини хўжалик раҳбарининг хабарисиз ва бирон тасдиқловчи ҳужжатларисиз Аҳлиддин Олимжон номи ММТПга ўтказиш юборишганди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, фермернинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Мустаҳкам оила — барқарорлик асоси

(Давоми.
Бошланиши 1-бетда)

Соҳибжон ҲАМИДОВ,
Норин туман прокурори ёрдамчиси

Буларнинг барчаси оилаларда тўқилик, тотувлик, оилавий хотиржамликнинг муҳим омилдир. Булар мустаҳкам оиланинг мустаҳкам пойдеворидир.

Президентимиз "Мустаҳкам оила йили"нинг мазмун-моҳияти, оилани янада мустаҳкамлаш, оила олдида турган вазибаларни ҳар томонлама амалга ошириш ҳақида тўхталиб, уларни ҳал этиш ҳар қайси оиланинг юқини ҳеч нолимасдан, ҳаётга шукрона айтиб, ўз елкасида кўтариб келаётган, оила қўрғонининг ҳам қиройи, ҳам қарғонни бўлган аёл зотининг, оласингилларимизнинг оғирини ёнгил қилиш билан баробар эканини алоҳида таъкидлади.

Ҳа, мустаҳкам оилани барпо этиш, фарзандларимизни ақл-заковатли, юксак маънавиятли, оила, жамият олдида ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб етишга қодир инсонлар этиб тарбиялашда аёлларнинг ўрни катта. Шу маънода, "Мустаҳкам оила йили" - да хотин-қизларни улуғлаш, уларнинг оиладаги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш борасида амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар ҳаммамизнинг ҳаётимизга дахлдор ўта долзарб ва муҳим масалалар.

Миллатимиз келажаги бўлиши ёш авлод тарбия топадиган оилада аввало, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият шаклланган бўлиши даркор. Ота-она қандай тарбия топган бўлса, фарзанд ҳам ана шу йўлдан юриш ҳаракатида бўлади. Бирор кимса фарзандининг ёмон йўлларга кириб қолишини истамайди. Фақат озгинагина эътиборсизлик, бепасандлик оилага қимматга тушиши мумкин.

1994 йилда Норин туманида туғилган Шерзод Исмоилов оила нималигини, унинг муқаддаслигини англаб улгурмай ота-онаси ажрашиб кетишди. Орадан ҳеч фурсат ўтмай ота оламдан ўтди, онаси эса уни бувиси қарамогидан қолдириб, бошқаси билан турмуш қуриб кетди.

Табииий, кекса онахон Шерзоднинг тарбиясига етарлича эъти-

бор қарата олмасди, албатта. У биринчи марта ўғирлик жинояти содир этганида эндигина 16 ёшга кирганди. Вояга етмаганини инобатга олиб кечиришди, тўғри йўлга қайтишга ишонч билдиришди. Бироқ "Ўрганган кўнгил ўртанса қўймай", деганларидек, Шерзод ўнганмади. 2011 йил 4 февраль куни соат 14:00лар ҳамаси Ҳаққулобод шаҳарчаси ҳудудида Норин Тиббиёт коллежидан қайтаётган Жасурбек исми йиғитни кўрктириб, коллеж биноси орқа томонига олиб ўтди ва унинг юз-қўзи аралаш калтаклаб, қўлидаги нархи 150 минг сўмлик уяли телефони ва эшитгини тортиб олди.

Маъзур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, Шерзод Исмоилов суд ҳукми билан ойлук иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда бир йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазосига тортилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддасига асосан шартли ҳукм қўлланилиб, унга бир йил синов муддати белгиланди.

Аслида у ўз оиласи, ота-онаси бағрида катта бўлганида бу ҳолатлар юз бермасмиди, деган ҳаёлга боради киши. Демокриманки, бола йўлдан адашмасин, оилада, маҳаллада, таълим олаётган ўқув даргоҳида муносиб обрўга эга бўлсин. Қонуналаримизни чуқур билиш, унга амал қилиш, оила деб аталмиш муқаддас даргоҳни асраб-авайлаш юқорида айтилганидек, ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишига, таълим-тарбияга боғлиқ. Ана шунда қўзланган мақсад рўёбга чиқади.

Оилани муқаддас билиш ва унинг мустаҳкамлиги учун курашиш бизнинг қон-қонимизга сингган юксак маънавий туйғудир. Зотан, Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида таъкидлаганидек, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўрғони бўлиши оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барқарорликнинг асосий вазифаси, инсонийлик бурчимиз бўлмоғи шарт.

Кўрамиз, ўрганамиз, текшираамиз

Турмуш ўртоғим 2011 йилда Россия давлатига ишлаш учун борган эди. Лекин қайтиб келганидан бери, боши касалдан чиқмай қолди. Оиллада олти нафаримиз. Узим ёш болаи бўлганимим учун ишлай олганим йўқ. Шу сабабли оиламизда моддий қийинчилик сезилиб қолди. Шунинг учун маҳаллага моддий ёрдам сўраб борсам, беришадими? Олдин бир-икки борганимда ариза ёзинг, ўрганиб чиқамиз, лозим бўлса тўлаймиз, дейишганди. Аҳволимни биласизлар-ку, десам, барибир ҳужжатлаштириб қўйишимиз керак, дейишганди. Шу тўғрисида?

Агар бу пул берилмаган бўлса, қанча вақт олишим мумкин?

Жамила Асқарова, Жомбой тумани

Кам таъминланган оилаларга ҳар ойлик моддий ёрдам пули тўловини тайинлаш ва тўлаш учун аввал мурожаат этувчи оиланинг ушбу нафакани олишга бўлган муҳтожлиги ҳамда моддий ёрдам миқдорини белгилаш учун Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги қарори билан тасдиқланган "Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига мувофиқ тарзда атрофлича ўрганилади. Бунинг учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида махсус комиссиялар фаолият кўрсатади.

Ушбу комиссия ариза тушган кундан бошлаб, икки ҳафта муддатда ёрдам сўра-

ган оиланинг моддий ва мулкӣ аҳволини текширади. Текширув натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади, уни комиссиянинг барча аъзолари имзолайдилар. Далолатнома қуйидагилар акс эттирилади:

— текширилаётган оиланинг таркиби, унда бирга яшовчиларнинг ҳаммаси, қариндошлиги бўлган ва бирга умумий рўзгор юритувчилар ҳисобга олинади;

— оиланинг доимий даромад манбаига эга бўлмаган ва Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида рўйхатга олинмаган меҳнатга қобилиятли ёшдаги аъзолари, бола икки ёшга тўлгунга қадар унга қаровчи аёллар, шунингдек, 18 ёшгача бўлган ўқувчилар бун-

дан мустасно;

— оиланинг текшириш вақтидаги жами пул даромадларининг манбалари ва миқдори;

— томорқа участкаси майдони ва ундан даромад олиш имкониятлари;

— оила мол-мулкнинг қиймати (дала ҳовли, автомобиль, мотоцикл ва зеб-зийнатларнинг мавжудлиги);

— оиланинг муҳтожлик даражаси ҳақидаги комиссия ҳулосаси ва ҳар ойда бериладиган моддий ёрдамнинг тавсия қилинаётган миқдори ҳақида комиссия ҳулосаси.

Моддий ёрдам оилага олти ойга тайинланади. Ушбу муддат тугагач, агар оилادا моддий аҳвол яхшиланмаган бўлса, ёрдам янги муддатга тайинланиши мумкин.



Мен ўтган йили қаттиқ бегоб бўлиб, уч ой даволандим. Шунга қарамай, соғлигимни аввалги даражада тиклай олмадим. Яъни, олдин саккиз-ўн соат ишлай олган бўлсам, ҳозир бундай эмас. Яна икки ҳафтадан кейин ишга қайтаман. Олдинги ишимни бажаролмасам, бошқа ишга ўтказишни сўрасам бўладиими?

Нажмиддин Абдусатторов, Учтепа тумани

Соғлиғига кўра...

Меҳнат кодексининг 218-моддасида ходимнинг соғлиғи ҳолати билан боғлиқ ишни бажариш назарда тутилган бўлиб, унга кўра соғлиғи ҳолатига кўра энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказишга муҳтож ходимларни иш берувчи, уларнинг розилиги билан, тиббий ҳулосага мувофиқ вақтинча ёки муддатини чекламай, ана шундай ишларга ўтказиши шарт.

Соғлиғи ҳолатига кўра, энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилганда, шундай ишга ўтказилган кундан бошлаб икки ҳафта мобайнида ходимларнинг аввалги ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

Сил касаллиги ёки касб касаллиғига чалинганлиги сабабли камроқ ҳақ тўланадиган бошқа ишга вақтинча ўтказилган ходимларга шу ишга ўтган вақт учун, лекин икки ойдан ортиқ бўлмаган муддат давомида касаллик варақаси бўйича янги ишда бериладиган иш ҳақига қўшилганда ходимнинг аввалги ишидаги тўлиқ иш ҳақидан ошиб кетмайдиган миқдорда нафақа тўланади. Башарти касаллик варақасида кўрсатилган муддатда иш берувчи ишга иш топиб беролмаган бўлса, у ҳолда шунинг оқибатида бекор ўтган кунлар учун нафақа умумий асосларда тўланади.

Иш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилганлиги муносабати билан вақтинча камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилган ходимларга уларнинг соғлиғи шикастланганлиги учун жавобгар бўлган иш берувчи аввалги иш ҳақи билан янги ишда оладиган иш ҳақи ўртасидаги фарқи тўлайди. Бундай фарқ меҳнат қобилияти тиклангунга қадар ёки ногиронлиги белгилангунга қадар тўланади.

Қонун ҳужжатларида соғлиғи ҳолатига кўра энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи этадиган камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилганда, аввалги ўртача ойлик иш ҳақини сақлаб қолишини ёки давлат ижтимоий сўғуртаси бўйича нафақа тўлаб туришининг бошқача ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Натижаси номаълум иш

2011 йилдан бошлаб жойларга собиқ Халқ таълими бўлимлари ўрнига Халқ таълими муассасалари фаолиятини метолик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари тузилди. Шу тўғрисида биз билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 1-бандига кўра, бекор қилинди. Республика Халқ таълими вазирининг 2011 йил 23 мартдаги 60-сонли буйруғининг 1-иловаси, яъни Низомнинг 8-бандида "бўлим илгари фаолият юритган туман Халқ таълими бўлимларининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади", дейилган. Шу билан бирга, биз илгари ишлаб келётган штат бирликларни қисқармаган. Бундан ташқари, муайн ходимларни ишга олишга сўхбат ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқарди. Унинг буйруғи ноқонуний бўлганлиги учун туман прокуратурасининг протести билан бекор қилинди. Шикоятимиз асосида келтирилган протест бошқарма томонидан қаноатлангирлиди. Аммо протест натижаси маълум қилинмаганми? Шундай экан, МКнинг 100-моддаси 1-қисми тўғри бўлганлигини?

М.Мўминов, А.Холбоев, Д.Чўқаров, Музработ тумани

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 мартдаги "Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорининг 1-бандида, Халқ таълими туманлар (шаҳарлар) бўлимлари ҳамда улар ҳузурида фаолият кўрсатувчи методик кабинетлар, таълим стандартлари мониторинги бўлимлари (шўъбалари), ўқувчиларни касбга йўналтириш ва психологик-педагогик диагностика марказлари негизида, улардаги мавжуд ходимлар сонини ўртача 5 фоизга қисқартирган ҳолда Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилсин", дейилган.

Мазкур қарорда назарда тутилган тадбирлар ўз навбатида, амалдаги Меҳнат кодексининг 100-моддаси 1-бандида қайд этилган технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ҳамда ишлар ҳажмининг ўзгаришига олиб келган. Агар сиз ишлаб келган лавозим қисқаришлар доирасига тушган бўлса, меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши тўғри бўлган.

Тезликни оширманг!

Мен тўрт йилдан бери шахсий автомашинада йўловчиларни ташвиш билан шугулланаман. Иш давомида йўл ҳаракати қондасини бузмасликка ҳаракат қиламан. Лекин гоҳида эҳтиётсизлик ёки бепарволик сабабли қондани бузсам, милиция ходимига ҳеч қандай эътироз билдирмайман. Лекин яқинда тезлик 70 деб белгиланган аҳоли пунктида 73 да келиб қолдим. Автоинспектор тўхтади, тезликни оширганлигини айтиди ва протокол тузди, деб туриб олди. Роса баҳаслашдик. Охири у ҳужжатларини кечиргандек қилиб қайтариб берди. Авваллари белгиланган меъридан қанчадир тезликкача ошишга рухсат бор эди. Яъни протокол тузилмас эди. Ҳозир бу йўқми?

Мусажон Фахриддинов, Бувайда тумани

Амалдаги "Йўл ҳаракати қондаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида"ги Йўриқномада белгиланган тезлик ошириб юборилганда, тезликни ўлчайдиган махсус ускуналар ва транспорт воситалари спидометрлари кўрсаткичларидаги йўл қўйиши мумкин бўлган жами нуқсонлар жамланган ҳолда, ҳисобга олиниши керак, дейилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, тезликни ўлчайдиган ускуна рухсат этилган тезликдан соатига 5 километрдан ошиб бўлганини кўрсатган тақдирда маъмурий баённома тузилади.

Ушбу талабга риоя этилмаган ҳолда, расмийлаштирилган маъмурий баённома ДИХХнинг маъмурий амалиёт инспектори томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

Кўрилмаган ариза...

Мен судга ўй низоини ҳал қилиб бериш борасида ариза билан мурожаат қилган эдим. Оралдан икки ҳафта ўтганидан кейин ариза нима бўлаётганини сўрасам, суд котиби аризангиз кўрилмасдан қолдирилди, деди. Шундай қилиш мумкинми?

Жаббор Холмедов, Чироқчи тумани

Мумкин. Лекин бунинг учун асос бўлиши лозим. Хусусан, Фуқаролик-процессуал кодексининг 97-моддасида аризани кўрмасдан қолдириш асослари қайд этилган. Унга кўра, суд қуйидаги ҳолларда аризани кўрмасдан қолдиради:

- 1) ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса;
- 2) манфаатдор шахс номидан аризани иш юритишга вақолати бўлмаган шахс берган бўлса;
- 3) суд айнаи бир тарафлар ўртасидаги, айнаи бир предмет

тўғрисидаги ва айнаи бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан иш юритаётган бўлса;

4) ишни ўзларининг иштирокисиз кўришни илтимос қилмаган тарафлар иккинчи чақирув бўйича ҳам узрли сабабларсиз судга келмасалар, суд эса ишга оид мавжуд материаллар асосида ишни ҳал қилиш мумкин эмас, деб ҳисобласа;

5) ишни ўзининг иштирокисиз кўришни илтимос қилмаган даъвогар иккинчи чақирув бўйича судга келмаса, жавобгар эса, ишни мазмунан кўришни талаб қилмаса.

Саволларга ҳуқуқшунос
Дондёр ХАЛИЛОВ
жавоб берди.

ХЎРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Ниқид» газетасининг «info@huqiq-gazeta.uz» электрон почтага орқали юборишимиз мумкин.

Фаолиятимиз мезони

Мамлакатимиз Президент Исло Каримов томонидан 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Давлатимиз томонидан тадбиркорларга яратилган имкониятлар ҳақида ҳар қанча тўхталсак ҳам оз Қисқаса, бу ютуқларнинг ҳаммаси ўзимизники.

Энди ўз соҳамиз талабидан келиб чиқиб гапирадиган бўлсак, таҳлил ва далиллар шунки кўрсатадики, айрим соҳаларда ҳали ҳам масъулиятни ҳис қилиб ишлаш ўрнига, ҳар хил баҳоналар билан ҳуфиёна "уддабурунлик"ни тадбиркорлик деб билгучилар учраб турибди.

2011 йил мобайнида СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Сирдарё вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан давлатга етказилган моддий зарарларни аниқлаш ва ундириш, яширин иқтисодиётни фож этиш, нақд пул маблағларининг банқдан ташқари айланмашига чек қўйиш ва валюта муомаласини тартибга солиш соҳасида содир этилаётган қонунбузилишларни аниқлаш борасида тезкор-қидирув ва таҳлилий ишлар ҳамда ҳуфиёна иқтисодиёт, ҳисобга олинмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, яширин фаолият юритишнинг асосий механизмлари, солиқ ва валютасиз оид жиноятларни аниқлаш борасида амалга оширилган тезкор тадбирлар натижасида жами 254 та текширув ўтказилди. Шундан 222 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди ва 32 та ҳолатда маъмурий ишлар юритилди. Текширишлар натижасида давлат бюджетига етказилган 1,5 млрд. сўмлик зарарлар аниқланди, шундан 980 млн. 288,5 миң сўми ёки 65,7 фоизи ундирилди. Бюджетга жами 5,2 млрд. сўм қўшимча маблағлар ҳисобланди, 52 фоизи ундирилди.

Ҳокимият, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан содир этилаётган жиноятлар ва коррупция ҳолатларини фож этиш борасида жами 72 та ҳолат аниқланди, 11 та ҳолатда ҳокимият, 2 та ҳолатда солиқ идоралари ҳодимларига, 12 та ҳолатда банк, 47 та ҳолатда бошқа идораларнинг мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилди.

Мисол учун, Гулистон шаҳар ҳокимлигидаги раҳбарлар Ф.Кўпайсиновга ишониб, уни тадбиркорларни рўйхатга олиш инспекцияси бошлиғи лавозимига тавсия қилишди. Лекин у ўз мансабини суиистеъмол қилиб, рўйхатдан ўтувчи тадбиркорлардан юзинг-қўзинг демасдан пора олиш йўлига ўтди. Фақат бу йўлнинг ўта қисқа эканлигини тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳақидаги гувоҳномани бериш эвазига фуқаро Х.Обидовдан пора олаётганда қўлга олингандагина билди. Ф.Кўпайсиновга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

Сардоба туман бўлими томонидан "Даштобод боғ фазилати" фермер хўжалиги раҳбари Б.Тошматовнинг аризасига асосан ўтказилган текширишда фермер хўжалиги билан туман ҳокимлиги ўртасида тузилган ер ижара шартномаси туман ҳокимининг 2010 йил 10 ноябрдаги 547-сонли қарорига биноан бекор қилинган бўлса-да, ОАТБ "Агробанк"нинг Пахтаобод филиали мансабдор шахслари фермер хўжалиги раҳбари Б.Тошматовнинг хабарисис 2011 йил 8 апрель кунги хўжаликка 10 млн. сўм миқдорда уруғлик сотиб олиш учун деб кредит маблағини аж-

ратиб, "Дони" хусусий фирмасига ўтказиб юборганлиги аниқланди. Мазкур банкнинг мансабдор шахслари ўз жинойи фаолиятларини давом эттириб, 2011 йилнинг ўтган даврида фермер хўжалиги умуман фаолият қўрсатмаган бўлса-да, жами 7 нафар фуқаро фермер хўжалигида ишлаганлигини расмийлаштириб, уларга 16,3 млн. сўм иш ҳақи ёзган. Иш ҳақларини банк пластик картчаларига ўтказиб, ўзларининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатишган. Бунинг оқибатида хўжаликка туман давлат солиқ инспекцияси томонидан 7,3 млн. сўм миқдорда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобланди, фермер хўжалигининг манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилган. Мазкур ҳолат юзасидан ОАТБ "Агробанк"нинг Пахтаобод филиали мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан тегишли жазо чоралари қўлланилди.

Нақд пул маблағларининг банқдан ташқари ноқонуний айланмашининг олдини олиш борасида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилди. 38 ҳолатда 12 млрд. 427,1 млн. сўмлик ноқонуний нақд пул айланмалари аниқланди, 35 та жиноят иши қўзғатилди.

Бошқарма томонидан ўтказилган терговда текширув ҳаракатлари доғомиди "MPS AGRO" МЧЖ ва "БИО ЛАЙН" фермер хўжалиги мансабдор шахслари ўзaro жинойи тил бириктириб, 2010 йил ва 2011 йил январь-июль ойлари мобайнида белгиланган тартибда ружатнома олмаддан, табиий ҳудудлардаги ўсимлик оламидан фойдаланиш тартибини бузиб, ноқонуний равишда доривор ўсимликлар турига кирувчи 471,3 тонна қовул ўсимлигини йиғиб, Эрон Ислому Республикасига экспорт қилиш учун тайёрлаб қўйганликлари натижасида табиатга 9 млрд. 141 млн. сўм миқдорда зарар етказганликлари аниқланди.

Бундан ташқари, "MPS AGRO" МЧЖ ва "БИО ЛАЙН" фермер хўжалиги мансабдор шахслари ноқонуний равишда йиғиб тайёрланган жами 471,3 тонна доривор қовул ўсимлиги гўёки жамият томонидан ишлаб чиқарилганлиги ҳақида сохта ҳужжатларни расмийлаштириб, белгиланган 100,7 млн. сўмлик мажбурий тўловларни ҳамда 8,8 млн. сўмлик ягона солиқ тўловини тўлашдан қасддан бўйин товлаб, давлат бюджетига 109,5 млн. сўм миқдорда зарар етказишган.

Шунингдек, "MPS AGRO" МЧЖ мансабдор шахслари Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 ноябрдаги қарорига асосан 2011 йилнинг 3 июнидан 1 июлигача қовул ўсимлигининг бир тоннаси учун энг паст нарх 2100 АҚШ доллари қилиб белгиланган бўлса-да, хориж компанияси билан қовул ўсимлигининг ҳар бир тоннаси 430 АҚШ долларидан кам нархда етказиб бериш ҳақида шартнома тузиб, Республикаимиз манфаатларига 438,8 миң АҚШ доллари миқдорда зарар етказишган. Бундан ташқари, "MPS AGRO" МЧЖ ва "БИО ЛАЙН" фермер хўжалиги мансабдор шахслари ўзларининг ушбу ҳаракатлари билан жами 1 млрд. 568 млн. сўмлик ноқонуний пул айланма-

Содиқжон АЧИЛОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг
Сирдарё вилоят бошқармаси
бошлиғи

ларини амалга оширган.

Сирдарё вилоят божона бошқармаси мансабдор шахслари эса Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори талабларини бузиб, "MPS AGRO" МЧЖ томонидан 2011 йилда қовул ўсимлигининг ҳар бир тоннаси 430 АҚШ долларидан экспорт қилишга ружат бериб, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказишган. Мазкур ҳолат юзасидан "MPS AGRO" МЧЖ, "БИО ЛАЙН" фермер хўжалиги ҳамда Сирдарё вилоят божона бошқармаси мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги қарори ижроси юзасидан 25 та ҳолатда чет элдан ишлаб чиқарилган товарларни ноқонуний олиб кириш, муомала қилиш ҳуқуқбузарликлари аниқланди, 14 та ҳолат бўйича жиноят ишлари қўзғатилди ва 11 та ҳолат юзасидан маъмурий ишлар юритилиб, жами 155,3 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилди. Жумладан, Сирдарё туман бўлими ҳодимлари томонидан олинган тезкор маълумотларга асосан ўтказилган тадбирда фуқаро Ш.Байзаев Сирдарё шаҳар Оқушбобоев кўчаси 269-хонадонда яширин цех ташкил этиб, этил спиртидан қўлбола усулда ароқ ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиб келаётганлиги аниқланди. Ундан 11,1 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олинди.

Шунингдек, тамаки маҳсулотларини ноқонуний равишда муомала қилишнинг олдини олиш борасида 3 та ҳуқуқбузарлик аниқланди, 2 та жиноят иши қўзғатилди ва 1 та маъмурий иш юритилиб, жами 7,1 млн. сўмлик тамаки маҳсулотлари олиб қўйилди. 2011 йил 17 июнь кунини Сирдарё туман бўлими ҳодимлари томонидан олинган тезкор маълумотларга асосан ўтказилган тадбирда фуқаро С.Солиев ўзи истиқомат қилиб келаётган хонадонда Ўзбекистон Республикаси чегарасидан айланма йўллар орқали, божона назоратини четлаб олиб ўтилган товар-моддий бойликларини сақлаш учун шароит яратиб бергани фож этилди. У Қозғистон Республикасига ишлаб чиқарилган, акциз маркази билан марказланмаган тамаки маҳсулотларини муомалага киритиш мақсадида сақлаб келаётган экан. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, ҳуқуқбузарларга тегишли жазо тайинланди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясига оид 816 мартаба тарғибот тадбирлари амалга оширилиб, тадбиркорлар билан очик мулоқотлар ва учрашувлар ташкил қилинди. Ана шундай тадбирларнинг самараси ўлароқ, 101 нафардан зиёд тадбиркорларга амалий ёрдам берилди ва уларнинг фаолияти қонунийлаштирилиб, 161 та янги иш ўринларининг яратилишига эришилди.

Хулоса ўрнида шунки айтиш мумкинки, қилинадиган асосий ишларимиз ҳали олдинда, энг муҳими, ким бўлишимиздан ва қайси вазифада ишлашимиздан қатъи назар, барчамиз эл-юрт, Ватан олдидаги масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда фаолият қўрсатишга одатлансак, фаолиятимиз ҳам ўз-ўзидан қонуний бўлади, қонунбузарликлар эса камайиб боради.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда иқтисодиётнинг муҳим соҳаси бўлиши кичик бизнесни ривожлантириш, хусусий тадбиркорлар ҳуқуқларининг кафолати ҳамда ҳимоясининг кучли тизimini яратишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Иқтисодиётимиз таянчи

У.УТАЕВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Бухоро вилоят бошқармаси бошлиғи
Д.АКОБИРОВ,
Бошқарма Матбуот гуруҳи катта инспектори

Бунинг боиси, ижтимоий йўналтирилган замонавий бозор иқтисодиётида кичик бизнес ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди. Кичик бизнес рақобатчилик муҳитини шакллантиргани сабабли, усиз бозор иқтисодиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Иккинчидан, янги иш ўринлари жадаллик билан барпо этилишини, аҳоли бандлигининг ўсиши ва даромадларининг ошиб боришини таъминлайди. Учинчидан, ички бозорни товарлар ва хизматлар билан бойитишнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Республикаимизда кичик бизнеснинг роли ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, уни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб борилмоқда.

Кейинги йилларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда бир неча турдаги солиқларни тўлаш ўрнига кичик бизнесни ягона солиқ тўлови шаклида соддалаштирилган тизими жорий этилди. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари (савдо ва умумий оқватланмишдан ташқари) 2005 йилда 13, 2007 йилда 10, 2008 йилда 10 дан 8 гача, 2009 йилда бошлаб 7 гача, 2011 йилда 6, 2012 йилда эса ушбу ставка 5 фоизга пасайтирилиши белгиланди. Янгидан ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналари қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди.

Кичик бизнес субъектларининг айланма маблағларини тўлдиришга кредит беришнинг максимал муддати 12 ойдан 24 ойгача оширилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ташкил қилинди. Тадбиркорлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги ҳуқуқий нормалар мустаҳкамланиб, тадбиркорлик субъектларининг ҳужжали фаолиятига назорат қилувчи идораларнинг аралашувини кескин қисқартириш чоралари қўрилди.

Қабул қилинган кафолатлар, имтиёз ва преференциялар кичик бизнеснинг жадал ривожланишига имконият яратди. Натижада, Бухоро вилоятида 2011 йилда 1 трлн. 832,2 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 105,1 фоизни ташкил этди. Худди шу каби, янги ҳудудий маҳсулотлар 109,1, истеъмол товарлари 108,7, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 107,4, қурилиш ишлари ҳажми 125,2 фоизга ўсганлигини қўриш мумкин. Ушбу рақамлар тобора юксалиб бораётган соҳанинг эртанги тараққиёти билан узвий боғлиқ.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, айни кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини баргараф этишда энг самарали восита, аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг даромадлари ошиб боришининг гоят муҳим омилли ҳисобланади.

Тадбиркорлик бухороликлар учун ота мерос касблардан ҳисобланади. Хозирда Бухорода 30 миң нафарга яқин тадбиркор фаолият юритмоқда.

Албатта, иқтисодий ислохотлар жараёнида корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, берилмаётган имтиёзлар, улар фаолиятига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни баргараф этиш ҳам муҳим вазифа саналади. Бу борада СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Бухоро вилоят бошқармаси томонидан қўлгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2011 йил мобайнида 50 га яқин кичик бизнес субъектларига амалий ёрдам кўрсатилди. Бунинг натижасида корхоналар ўз фаолиятини кенгайтириб, 200 дан ортиқ қўшимча иш ўринлари яратилди.

Хусусан, Бухоро туманидаги "Шарк Олтин парранда" хусусий корхонаси раҳбари Фазлиддин Шерқулов паррандачилик билан шуғулланиш учун кредит олишга ва кредит гарови учун қўйилмайдиган бинони тегишли тартибда расмийлаштириб берилишида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган. Мазкур мурожаат тегишли ҳокимлик ва банк идоралари билан қўриб чиқилган. Ҳамкорликдаги ишлар натижасида "Шарк Олтин парранда" хусусий корхонасининг мурожаати қаноатлантирилган.

Ҳокимият, прокуратура, банк ва бошқа идораларнинг ҳамжихатлида иш олиб бориши давлатимиз раҳбари томонидан тасдиқланган концепцияни амалга оширишда қўл келмоқда. Ҳамкорликда қилинган ишларга халқ ҳаётининг фаровонлиги, мамлакат равнақи йўлидаги мажбуриятни бажариш, деб қараш лозим. Давлат органларининг ҳар доим фақатгина халқ манфаати йўлида хизмат қилиши зарурлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Имконият бор жойда, албатта, ўсиш бўлади. Давлатнинг иқтисодий салоҳияти юксалади. Бунда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қонунийликдаги ўзгартишлардан ҳабардор қилишнинг аҳамияти беқий-ёс. Зеро, бутунги давр тадбиркори 20 йиллик тараққиёт жараёнининг бевосита иштирокчиси.



Болалар спортига эътибор самараси

Юртимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, юксак маънавияти инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада амалга оширилаётган иш-хотлар замирида ҳам фарзандларимизнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши ва жамиятда муносиб ўрнини топиб, фаровон турмуш кечирishi мақсади мужассамлашган. Ишлар самарадорлигини оширишда болалар спортини ривожантириш муҳим ўринлардан бири саналади.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 5 майда қабул қилинган "Болалар спорт объектидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қароридан келиб чиқиб, жисмоний ва маънавий соғлом авлодни тарбиялаш учун етарли шарт-шароитлар яратиш, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларида оммавийликка эришиш, спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш каби масалалар ҳам устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Болалар спортига эътибор сабаб, ўтган 2011 йилда Самарқанд вилоятида салмоқли ишлар амалга оширилди. Раҳамларга эътибор қаратадиган бўлса, биргина вилоят "Болалар спортини ривожантириш жамғармаси" томонидан 15 млрд. 534 млн. сўм маблағ сарфланиб, 19 та объектда қурилиш-реконструкция ишлари олиб борилди. Жумладан, вилоят туман ва шаҳарларида олтинта мусиқа ва санъат мактаби, Қўшработ туманида ТИП-5 спорт мажмуаси, Пахтачи туманида йирик очик сув завчаси, учта маҳаллада болалар спорт майдончалари, умумтаълим мактабларида олтинта спорт заллари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу спорт иншоотлари 200 млн. сўмлик хизмалар билан таъминланди. Шунингдек, вилоятдаги умумтаълим мактабларига 1 млрд. сўмлик спорт инвентарлари тарқатилди. Янги спорт иншоотлари ва шу пайтгача қурилган мажмуаларда ўтган йил мобайнида 220 дан ортиқ спорт мусобақалари ўтказилиб, уларда 15 миң 200 нафардан зиёд ўқувчилар фаол иштирок этди. Фолибларга жамғарма ва ҳамкор ташкилотлар томонидан 4 млн. сўмликдан ортиқ совғалар берилди.

Самарқанд вилоятида қизлар спортини, хусусан, бадий гимнастикани ривожлантириш борасида ҳам аниқ дастурлар асосида иш олиб борилмоқда. Туман ва шаҳарлардаги бадий гимнастика тўғрисидаги машғулоти олиб бораётган 142 нафар мураббийларга 20 млн. сўмлик спорт кийимлари тарқатилган. Каттакўрғон, Қўшработ, Булунгур туманларида ҳамда Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳарларида спортнинг ушу туби билан шуғулланаётган ўқувчи-қизларга махсус гимнастика гиламлари олиб берилди. Шунингдек, эҳтиёжга қараб, гимнастика тўғрисида керакли

спорт инвентарлари келтирилди. Малакали мураббийлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини янада ошириш мақсадида барча таълим муассасаларига ўқув-қўлланмалари ажратилди. Бадий гимнастикани берилаётган эътибор натижасида бугунги кунда вилоят бўйича 353 та гуруҳда 3500дан ортиқ қизлар машғулотларда қатнашмоқда.

Давлатимиз томонидан ўқувчи-ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун яратилаётган имкониятлар тўғрисида бугунги кунда вилоятдаги умумтаълим мактаблари ҳамда академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим олаётган 738 миң 500 нафардан ортиқ ўқувчиларнинг 278 миң 529 нафар спорт билан шуғулланиб келмоқда.

Соҳага бўлган юксак эътибор тўғрисида, вилоятимизнинг ёш спортчилари республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этиб, фахри ўринларни эгаллаб келишмоқда. Утган йили ёшларимиз эришган натижаларни кишини қувонтиради.

Жумладан, Хитойда бўлиб ўтган оғир атлетика бўйича Гран-При халқаро мусобақасида ёш спортчимиз М.Бегалиев бронза медали соҳибига бўлган бўлса, дзюдо бўйича Франциядаги мусобақада эса Х.Набиев 3-ўринни қўлга киритди. Тошкентда ўтказилган аёллар ўртасида самбо бўйича мамлакат чемпионатида Э.Умерова, Г.Исмаиловлар 1-ўринни ва М.Турсунова, Х.Эркинова, М.Жумаевлар 3-ўринни эгаллашди.

Пойтахтимизда энгил атлетика бўйича Ўзбекистон ва МДХ олимпия захиралари коллежлари ўртасида ўтказилган аънавий халқаро учрашуларда қатнашган вилоятимиз вакиллари умумжамоа ҳисобида 2-ўринни қўлга киритишди. Туркманистонда самбо бўйича Марказий Осиё мамлакатлари чемпионатида Ш.Жўраев, Г.Исмаилов, С.Эргашев, Д.Муҳидовлар олтин медаллар соҳибига бўлишди. Бухорода кўзи оғизлар болалар махсус мактаб-интернати ўқувчилари ўртасида Ўзбекистон чемпионатида шахмат бўйича Д.Тоғаев, Ф.Файзиёв, Ҳ.Амонова 1-ўринни, шашка бўйича Х.Эргашев, Д.Яхшиев, С.Хайтовлар 3-ўринни эгаллашди. Болгариянинг Варна шаҳрида бўлиб ўтган бадий гимнастика бўйича халқаро мусобақада М.Шамсиева олтин медални қўлга киритган бўлса, Чирчиқ шаҳрида ўсмирлар ўртасида оғир атлетика бўйича Ўзбекистон чем-

Алишер АХАТОВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси
Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,
«Huroq»

пионатида Ф.Амонов, Ж.Бозоров, Э.Асатуллаевлар 3-ўрин соҳиб бўлишди. Тошкент шаҳрида юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон чемпионатида Н.Ҳаққулов ва Ж.Қўшбоқовлар 2-ўринни эгаллашди. Қизлар ўртасида эркин кураш бўйича Ўзбекистон чемпионатида Г.Аҳмедова шохсувлани эгаллаб, олий ўқув юртига имтиёзли кириш имкониятига эга бўлди.

Жиззах шаҳрида Турон яққакураши бўйича Ўзбекистон чемпионатида Ж.Раззоқов 1-ўрин, О.Тўшпулатов 2-ўринни эгаллашди. Тошкент шаҳрида ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган энгил атлетика бўйича Ўзбекистон чемпионатида Р.Қурбонов ва Хаджи-Мурад Магомедасулов 1-ўринни эгаллаб, олийоғига имтиёзли кириш сертификатини қўлга киритишди.

Термиз шаҳрида бўлиб ўтган "Баркамол авлод-2011" уйинларига ўқувчи-ёшларимиз фаол иштирок этиши, медаллар шоҳдаси бўлиб қайтиши. Улар ҳисобида 10 та олтин, 20 та кумуш, 8 та бронза медаллар бор эди. Тошкентда академик эшак эшиш бўйича Ўзбекистон чемпионатида Х.Воҳидов, Ж.Қаҳқоров, Ш.Х.Акимов 1-ўринни эгаллаб, олий ўқув юртига ўқишга имтиёзли кириш ҳуқуқига эга бўлишди. Ўқ отиш бўйича Ўзбекистон чемпионатида Л.Асанова 1-ўринни, К.Шаповалов 2-ўрин, Т.Коробов, О.Глебовалар 3-ўрин соҳибига бўлишди. Бухоро шаҳрида камондан отиш бўйича Ўзбекистон чемпионатида М.Акрамова 1-ўрин, Ф.Раҳимова 2-ўрин, Х.Шермаметова 3-ўринни эгаллашди. Сингапурда бўлиб ўтган академик эшак эшиш бўйича Осиё чемпионатида З.Усмонов, Д.Қудратов, Ё.Ҳамзаев олтин медал, А.Мухаммадиев кумуш медал соҳибига бўлишди. Наманганда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон чемпионатида Д.Очилов, Р.Файзиёва, А.Абдурасуловлар 1-ўринни эгаллашган бўлса, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган дзюдо бўйича жаҳон кубоги мусобақаларида Ў.Қурбонов кумуш медални қўлга киритди.

Бу спортчиларимиз эришган муваффақиятларнинг бир қисми, ҳолос. Ана шу ютуқларда прокуратура органларининг ҳам ҳиссаси бор. Болалар спортини вилоят прокуратурасининг доимий эътиборидаги масалалардан бири бўлиб, биз ёш-спортчиларимизнинг ютуқлари билан фахрланамиз. Келгусида улар орасидан чиққан жаҳон чемпиони янги юртимиз довуғини таратиб, байроғимизни янада баланд кўтаришига ишонамиз.

Фуқаролар манфаати йўлида

(Давоми. Бошланғичи 3-бетда)

Вилоятда дебитор қарздорликнинг умумий миқдори (ички идоравий қарздорликларсиз) 2011 йил 1 декабрь ҳолатида жами 928,4 млрд. сўмни ташкил этиб, йил бошидаги нисбатан 386,5 млрд. сўмга, кредитор қарздорлик 3269,0 млрд. сўмни ташкил қилиб, йил бошидагига нисбатан 2595,6 млрд. сўмга ортган. Прокуратура органлари томонидан мазкур қонунлар ижроси юзасидан жами 954 та прокурорлик назорати ҳужжатлари қўлланилган. Жумладан, "Ўзқишлоқэлектрқурилиш" ОАЖга қарашли 9-механизациялашган колоннаси 2011 йил 1 март ҳолатида 101,1 млн. сўм мuddати ўтган дебитор қарздорликка йўл қўйганлиги аниқланиб, колонна мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан қишлоқ жойларида намунавий уй-жойлар қурилишига доир қонунлар ижроси устидан ҳам доимий назорат ўрнатилган. 2011 йилда уйларнинг ўз вақтида ва сифатли қурилиб, фойдаланишга топширилиши юзасидан 51 нафар мансабдор шахс келгусида қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳусусида огоҳлантирилган. Қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 12 та тақдирнома киритилган ҳамда жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 12 та жиноят иши қўзғатилган.

Бугунги кунда электр энергияси, газ, коммунал тўловлардан бўлган қарздорликларни бартараф этиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бироқ, бу борада қўрилган чоралар ўзининг самарасини бермаётганлиги сабабли қарздорлик 278,2 млрд. сўмни, шу жумладан, электр энергиясидан 187,1 млрд. сўмни ва газдан 91,1 млрд. сўмни ташкил қилган. Вилоят прокуратураси органлари томонидан ёнилғи-энерго ресурсларининг сақланиши тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар бўйича 22470 та прокурорлик назорати ҳужжатлари қўлланилган. Шундан 20 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилган.

Жумладан, "Фузортумангаз" филиали мансабдор шахслари ишга совуққонлик билан қараб, 2011 йилнинг 9 ойи ҳолатида 52,4 млн. сўмлик табиий газ истеъмол қилинганлиги ҳақида тўловчи мавжуд бўлмаган (норéal) қарздорликнинг вужудга келишига сабабчи бўлишган. Филиал манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказганликлари ҳолати юзасидан туман прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Қарши туман электр тармоқлари корхонаси мансабдор шахслари 2012 йил 1 январь ҳолатида 153 млн. сўм мuddати ўтган дебитор қарздорликка йўл қўйишган. Хатлов натижасида 2011 йил 30 сентябрь ҳолатида 4,3 млрд. сўм норéal қарздорликка йўл қўйиб, корхона манфаатларига жиддий зиён етказишган. Ушбу ҳолатлар юзасидан Қарши туман прокуратураси томонидан мазкур корхона мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Шунингдек, Яқкабоғ ТЭТҚда 3,6 млрд. сўм, Касби ТЭҚ 2,8 млрд. сўм норéal қарздорликка йўл қўйилганлиги ҳолатлари юзасидан ҳам жиноят ишлари қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Республика Бош прокурорининг буйруғи ва кўрсатмалари таълибидан келиб чиқиб, назорат текширув идоралари фаолиятининг қонунийлиги устидан мунозаам ва мақсадли назорат ўрнатилишига жиддий эътибор қaratилмоқда. Хусусан, 2011 йилда назорат идораларида қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар бўйича 567 тадан ортиқ прокурорлик назорати ҳужжатлари қўлланилган. Ариза ва шикоятларни қўриб чиқиш "Фуқароларнинг мунозаамлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Республика Бош прокурорининг мазкур масалага оид 37-сонли буйруғи ва ҳайъат қарорлари талабларига жавоб берадиган ҳолда амалга ошириб келинмоқда.

Вилоят прокуратурасининг ишонч телефониغا Муборак туманидаги "Санжар Арслонов" хусусий корхонаси раҳбари С.Арслоновнинг Украинанинг "УКР-ПАК" МЧЖдан шартномага асосан сув қуйиш ва қадқоқлаш ускуналарини харид қилиш учун Марказий банкнинг вилоят бошқармаси томонидан пул маблағи конвертация қилинмасдан тадбиркорлик ҳуқуқлари бузилаётганлиги ҳақидаги мунозаамга қўриб чиқилиб, вилоят прокуратурасининг аралашуви билан 46 127 АҚШ доллар миқдоридидаги маблағ 2011 йил 30 ноябрда конвертация қилинган.

Текширишларда маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа идораларга келиб тушган мунозаамлар етарли даражада назоратга олинганлиги ҳамда мунозаамларни қўриб чиқиш мuddатларига амал қилинмаганлиги ҳолатлари аниқланган. Хусусан, Касби туманидаги Муғлон қишлоғида яшовчи фуқаро А.Боқиевнинг туман ҳокимлиги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун туман марказидан савдо дўкони қўриш мақсадида ер майдони ажратилиб тўғрисида 2011 йил 18 июлдаги аризага ижро учун туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Турсунова йўқлиги билан А.риза туман архитекура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи Ш.Шерғозиевга йўналтирилган. Ушбу мунозаам текшириш кўнига қадар мазмунан ҳал этилмасдан, ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу каби қонунбузилиши ҳолатларига фуқаро У.Боқиев ва Ю.Воисовларнинг аризаларини қўриб чиқишда ҳам йўл қўйилганлиги аниқланиб, туман прокуратураси томонидан Ш.Шерғозиевга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Шунингдек, Чирқочи тумани бош архитектору Х.Нуримов ҳам мансаб ваколатини суистеъмол қилиб, фуқаро Х.Эшқулова ва бошқаларнинг 2011 йил 24 майда туман ҳокими номига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун маъмурий ҳужжатларни объектларини қўришга ер ажратиш тўғрисидаги мунозаамларини қонунда белгиланган мuddатларда қўриб чиқмаган. Натижада туман прокуратураси томонидан бош архитектор Х.Нуримовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда монополистик фаолиятни тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, монопол қорхоналар фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солишни янада мукаммаллаштириш, ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик, рақобат ва унинг ҳуқуқий базисини мустаҳкамлаш иқтисодийни модернизация қилиш ва либераллаштириш шариоитида энг устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда самарали рақобат сиёсатининг амалга оширилиши, эркин бозор иқтисодиёти шариоитида рақобат муҳитининг такомиллаштириш натижасида товар ва хизматлар бозорларининг монополашуви даражасининг сезиларли даражада камайишига эришилди.

Айни пайтда, монополияга қарши ишларни тартибга солиш тизимини, рақобат муҳитини изчил ривожлантиришга оид ҳуқуқий базисини такомиллаштирилиши, иқтисодийни модернизация қилиш ва либераллаштириш талаблари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг назорат вазифалари қисқартирилиши, шунингдек изчил ривожланиб бораётган тадбиркорлик субъектларининг иқтисодийдаги ўзаро муносабатлари рақобат тўғрисидаги қонунчиликни янада мукаммаллаштириш заруриятини юзага чиқарди. Зеро, сўнгги йилларда иқтисодийнинг жондор иқтисодийга интеграциялашувининг кучайиши, бозорда турли молиявий, иқтисодий ҳамда мулкий муносабатларнинг янги шаклланиш ривожланиши натижасида бозор кўйган талаблари, янги шакланган муносабатларни тартибга солиш заруриятини юзага келди. Бошқача айтганда, ҳозирги пайтда монополистик фаолиятни нафақат товар бозорларида, балки молия бозорларида, қимматли қозғолар бозорларида, биржа савдоларида ҳам чеклаш чораларини кўришни дав-

Тадбиркорлик ривожининг ҳуқуқий гарови

латимизнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ҳам талаб этмоқда.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номи маърузасида Ўзбекистон Республикасининг "Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида"ги Қонун бугунги кунда эскиргани ва замон талабларига жавоб бермай қолганиги, шу билан бирга, "Рақобат тўғрисида"ги янги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурилиги илгари сурилди.

Юқоридаги Концепция жirosини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг "Рақобат тўғрисида"ги Қонунни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йилнинг 5-6 декабрида бўлиб ўтган VII-яли мажлисида маъқулланди. Мазкур Қонун 2012 йилнинг 7 январидан мабуотда расман эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг "Рақобат тўғрисида"ги Қонунда эски тахрирдаги "Товар бозорларида монополистик фаолиятини чеклаш ва рақобат тўғрисида"ги Қонунда белгиланган "устулик мавқе", "шахслар гуруҳи", "монопол қиммат нарх", "монопол арзон нарх", "камситувчи шартлар" каби тушунчалар иқтисодий ривожланиш шариоитидан келиб чиққан ҳолда янги таърифланди, аниқлаш механизми, алоҳида белгилари ва мезонлари белгиланди, қолаверса "рақобат" тушунчасига янгидан ҳуқуқий баҳо берилди ва унда нафақат товар бозорлари-

даги рақобат нуктаи назаридан, балки молия, қимматли қозғолар бозорларидаги рақобатни тартибга солиш нуктаи назаридан янгидан тахрир қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Рақобат тўғрисида"ги Қонун 4-моддасига асосан "рақобат — ҳўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозорларидаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиши имкониятини истисно этади ёки чеклайди", деб белгиланди.

Қонуннинг асосий афзалликларидан бири товар ва молия бозорларида тадбиркорлик субъектларининг эркин ҳаракатланишига ва тенг рақобат муҳитида мусобақалашуви тўқинлик қилувчи рақобатга қарши ҳаракатлар алоҳида бобда батафсил тартибга солинганлигидир.

Қонунда рақобатга қарши ҳаракатлар бозор иқтисодиётининг ҳамда товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатларнинг ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда белгиланди, янги рақобатга қарши ҳаракатлар — рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ҳўжалик юритувчи субъектлар учун ман этилган ҳаракатлар, шунингдек давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда улар мансабдор шахсларнинг рақобатни чеклашга қаратилган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)дир.

Шунингдек, қонунда товар бозорларидаги муносабатларни молия хизматлари бозорларидаги муносабатлардан фарқи аниқлаштирилди. Зеро, товар бозорларида сотиш ёки алмаштиришни мақсад қилувчи фаолият маҳсуллари бўлиши махсуслотлар, товарлар айланади. Молия хизматлари бозорларида эса муносабатлар объекти бўлиб молия хизматлари ҳисобланади. Хусусан, молия хизматлари пул маблағларини жалб этиш ва фойдаланиш билан боғлиқ фаолият ҳисобланиб, ушбу туркумга банк хизматлари, сугурта хизматлари, қимматли қозғолар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган хизматлар кириши кўрсатилди.

Қонунда молия бозори сифатида — банклар ҳамда бошқа кредит, сугурта ва ўзга молия ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматнинг, шунингдек, қимматли қозғолар бозори профессионал иштирокчилари хизматларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидagi ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келмаслиги мумкин ва мазкур муомала доираси чегараларида бундай хизматни кўрсатиши имконияти мавжуд бўлиши белгиланди.

Қонунда товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатлар субъектлари бўлиши ҳўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг бир-биридан фарқи очиб берилди. Хусусан, товар бозорларида ҳўжалик юритувчи субъектлар, молия бозорларида эса молия ташкилотлари сифатида банклар, сугурта компаниялари, лизинг компаниялари, микрокредит ташкилотлари ва бошқа молия ташкилотлари иштирок этиши белгиланди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, қонунда монополистик фаолиятни нафақат товарлар бозорларида, балки молия бозорларида, биржа савдоларида ҳам тартибга солишнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Шунингдек, биржа савдоларида ҳам монополияга қарши механизмлари, акцияларни сотиб олиш, қўшиш ва бирлаштириш битимларини тартибга солиш ва назорат қилиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш бўйича нормалар мутаҳкамланди.

Қонунда рақобатга қарши ҳаракатлар

Д.АХМАТОВ,

Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими

номли алоҳида боб ажратилиб, унда усту мавқени суиистеъмол қилиш, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимларини тақиқлаш, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг рақобатни чеклайдиган ҳужжатлари ҳамда ҳаракатларини тақиқлаш ҳамда инфосиз рақобатни тақиқлашга бағишланган алоҳида моддаларда рақобатга қарши ҳаракатлар тартибга солинган.

Қонунда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг зарурий элементи сифатида рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари рия этилиши устидан жамоатчилик назорати бағишланган норма назарда тутилди. Унга кўра уставларига мувофиқ рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш ва истеъмолчиларнинг манфаатларини рақобатга қарши ҳаракатлардан ҳимоя қилиш мақсадида эга бўлган жамоат бирлашмалари рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари рия этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга ҳақли эканлиги мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикасининг "Рақобат тўғрисида"ги Қонунни халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга бозор рақобатини шарт қилган ва ривожланган давлатларнинг илгор қонунчилик тажрибасини ўзида акс эттирган.

Шу ўринда, ривожланган давлатларда рақобат соҳасидаги қонунчилик тажрибаси ва амалиёти ҳамда унинг ривожланиш тарихига назар солсақ, қуйидагиларни кузатишимиз мумкин. Хусусан, XIX асрнинг охирилари ва XX асрнинг бошларида бозор иқтисодиёти шариоитидаги давлатларда рақобатни қонуний ва ноқонуний рақобатга (инфосиз рақобат) (concurrance deloyale, unlautern Wettbewerb, unfair competition) ажратилган. Ноқонуний рақобатдан фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳимояланши ҳуқуқи биринчи марта 1883 йил 20 мартдаги "Саноат мулкни ҳимоя қилиш тўғрисида", Париж конвенциясида белгиланган. Ушбу конвенция рақобатни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни биринчи халқаро ҳужжатлардан ҳисобланади.

Шунингдек, Франция, Италия, Нидерландия ва бошқа давлатларда инфосиз рақобатга қарши қурашининг ҳуқуқий асоси турли хил норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган бўлиб, ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлигининг умумий тартиблари асосида қўлланилади. Аксинча, бошқа айрим давлатларда, яъни Англия, Бельгия, Германия, Швейцария, Австрия, Испания ва Скандинавия давлатларида рақобатни тартибга солишни махсус, хусусан, "Рақобат тўғрисида"ги, "Товарлар олди-сотиши тўғрисида"ги, "Товар белгилари тўғрисида"ги, "Қўғразма ва ярмаркаларда саво қилиш тўғрисида"ги Қонунлар мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да илгари сурилган Ўзбекистон Республикасининг "Рақобат тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниши демократик бозор ислохотларини ва иқтисодийни либераллаштириш янада чуқурлаштириб, тадбиркорлик субъектлари учун соғлом рақобат муҳитида мусобақалашуви имкониятини кенгайтиради ҳамда рақобатни ривожлантириш янада рағбатлантиришга ва монополистик фаолиятни тартибга солиш механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Асосий вазифалар

[Давоми. Бошланғичи 2-бетда/]

Худди шунингдек, "Байналминнал" МФЙ томонидан икки йил мобайнида 70 нафар фуқарога ҳеч қандай ҳужжатларсиз, шариоитлари-ю даромадлари ўрганилмасдан салкам 21,2 млн. сўм нафақа тайинланди, тўлаб юборилган. Танлов усулида кўриб чиқилганида, 2 нафар фуқаро нафақа пулларини олмагани маълум бўлди. Уларнинг ўрнига сохта имзо қўйиб, 352 миңг сўм нафақа пулларини олиб, талон-тороқ қилган МФЙ раисси М.Каримовга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Ҳужжатларни сохта-лаштириб, нафақа пулларини талон-тороқ қилган "Йурмадуэ" МФЙ раисига ҳам тегишли жазо тайинланди.

Шаҳримизда меҳнат ва бандлик муаммосини ҳал этиш бориш соҳасида ҳам муайян ишлар қилиняпти. Бироқ бу масала бевосита вазифаси бўлган шахар бандликка кўмаклашиш марказининг мансабдор шахслари кўзбўйамчилик билан шуғулланишган. Ҳисоботларга аслида йўқ 1527 та янги иш ўринларини қўшиб ёзган марказ директори ва бош ҳисобчи маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Тўлов интизоми, ёниги, энергия ресурсларидан фойдаланиш, истеъмолчиларга табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви, иссиқлик етказиб бериш, коммунал хизматлар учун тўловлардан қарздорлиқни бартараф этиб боришга оид қонунчилик ижросини таъминлаш долзарб вазифаларимиздан бўлиб қолмоқда. Утган йили аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш учун 4 та тақдимнома киритилди, коммунал хизмат қорхоналарининг 5 нафар ходими интизомий жавобгарликка тортилди. 24 та ҳолатда табиий газ ва электр энергиясидан ноқонуний фойдаланган улгуржи истеъмолчилар маъмурий жавобгарликка тортилиши. 1 та жиноят иши қўзғатилди.

Қонунчи, Бош прокуратура ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Дастур асосида ташкил этилган ишчи

гуруҳи томонидан "Водийгазтаъминот" УКнинг Марғилон шахар филиалида истеъмолчиларга табиий газ етказиб бериш, ўзаро ҳисоб-китоб, ёнигидан фойдаланиш ахвооини ўрганиш жараёнида бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Аввало, ўтган йил июль-август ойлари яқунларида филиалга унитар қорхона томонидан етказиб берилган табиий газ ҳисоботлари тузилмаган. Истеъмолчиларнинг газ ҳисоблагичларидан маълумотлар олиниб, компьютер базасига киритилмай, йилнинг биринчи ярмида етказиб берилган 1 млрд. 150,3 млн. сўмлик табиий газ учун истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб юритилмаган. Назоратчилар томонидан истеъмолчиларнинг газ ҳисоблагичларидаги маълумотлар тўқис олинмаган. Вазирлар Маъжасининг 2011 йил 15 октябр кунига қадар истеъмолчиларнинг қарздорлигини аниқлаш учун таловни яқунлаш хусусидаги фармойиши бажарилмаган. Оқибатда истеъмолчилар томонидан сарфланган газ микдори электрон базасга киритилмаган. Ушбу ҳолатларга йўл қўйган "Водийгазтаъминот" унитар қорхонасининг Марғилон шахар филиали мансабдор шахслари жиноий жавобгарликка тортилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Шунингдек, 22 та ҳолатда табиий газ тармоқларида ноқонуний улашиб олган шахслар аниқланиб, маъмурий жавобгарликка тортилдилар. Салкам 5 млн. сўмлик зарар ихтиёрий ундирилди.

"Халқ банки"нинг Марғилон филиалига МФЙлари томонидан топшилган тўлов қайдноmaları ўрганилганида, 26 нафар фуқарога бирон-бир ҳужжат бўлмагани ҳолда, 8 млн. 243 миңг сўм нафақа ноқонуний тўлангани маълум бўлди. Бундан ташқари, 7 нафар фуқарога тўланган дея ҳисобланган нафақаларни олмаганликлари, уларнинг ўрнига МФЙнинг раисси М.Исақов ва бошқа мансабдорлар тўлов қайдноmalarıга сохта имзоларни чекиб, салкам 1,8 млн. сўмини талон-тороқ қилишгани аниқланди.

Сим ўғрилари қўлга тушди

Борига қаноат қилиш, ҳалол меҳнат билан рўзгор тебратиш маънавияти инсонга хос фазилатлардандир. Аммо нопок йўл билан даромад топишнинг измига тушиб, бора-бора уни одатга айлантирадиган кимсалар бу қилмишнинг иллат эканлигини эа оламида юзлари шувут бўлгандагина англашлари ачинарли ҳол.

"Навоиозот" ОАЖда пайвандловчи бўлиб ишлаган Фарид Худойбердиевга оиласи-ю, 2 нафар боласининг ахтиёжларини қондириш, қундалик харажатлари учун маоши етарли эди.

Ҳамид Назоров ҳам кимдандир яхшироқ, бошқа бировдан бундайроқ яшаса-да, ҳеч ким уни ўғри, деб қўли билан кўрсатмаган.

Улар 2011 йилнинг сентябрь ойи ўрталарида учрашиб қо-

либ, узоқ вақт суҳбатлашдилар, ўзаро келишиб, режа туздилар.

Бу келишув аслида жиноий тил бириктириш эди. Хуллас, 20 сентябрдан 21 сентябрга ўтар кечаси "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК Бухоро минтақавий темир йўл узелига қарашли "137 разъезд Конимех" темир йўл бекатлари оралиғидаги 5 та симёғочдан 400 метр симни кесиб кетишди.

Кейинги гал мўлжални "Тинчлик-Кармана" темир йўл

бекатлари томон қаратишди. — 12 та столбадан 1100, 1100. Демак, 2200 метр... ёмон эмас, — ўзича ҳисоблаб кўра бошлади худди отасининг боғидан олма тераётгандек Ҳамид.

— Ҳар ҳолда яхши иш топиб олдик. Бу ерларда қоровул ҳам йўқ, шекилли. Биринчи марта анча вақт кўрқиб юрдим. Биров билиб қолса-чи, деб...

— Тирикчилик-да, дўстим. Ит қолиб ёйди, биз топиб еймиз-да...

Шу зайл кечалари симёғочларнинг симини ўмариб, "ризк"ларини терган йигитлар кўза ҳам қунида синишини ҳаёлларига ҳам келтиришмади.

Навобий шариҳидаги ошхоналардан бирида учрашгач, ов-

Анвар ХАЙТБОЕВ,
Бухоро транспорт прокурорининг катта ёрдамчиси
Моҳира ШАКАРОВА,
журналист

қатланиш бахонасида тунги "объект", "товар"ни пуллаш ҳақида келишиб олишди.

"Машина" бекатидан таксига ўтиришди.

— Пахтачи Охунбобоевга, — деди Ҳамид ҳайдовчига.

— "Зиёвуддин" узоқлик қилмайди, — деди Фарид ше-ригини галидан жиноят манзилни англаб.

— Ўша ергача борайлик, у ёғини "по ходу дела" гаплашиб олаверамиз...

— Ўн ўрам. Ана энди катта

йўлгача кўтариб чиқишимиз керак.

— Нон топиш, осонми? — Ҳамид шундай дея, симнинг бир учидан осонгина тортиб кетаверди. "Навобий-Зиёвуддин" темир йўл бекатлари оралиғидан 30 ўрам симни катта йўл ёқасига келтиришди.

Юк билан турган йигитлар олдида "Дамас"ни тўхтатган ҳайдовчи "Симларни қаердан олдинглар", деб сўраган эди, уларга худди "Қаердан умардинглар?" дейилгандек туюлди. Аммо сир бермай, жавобни амаллашди. Бирок уларнинг бу жавоблари суднинг қора курсисида тарози босмади.

Навобий ва Самарқанд алоқа корхоналарига 3 млн. 389 минг 997 сўмлик зарар етказиб, жиноятга қўл урган йигитларнинг ҳар бири қонун талабига қура 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ҳозирги кунда парраначилик саноати ривожланган айрим мамлакатларда товуқ гўштининг сифати тобора шубҳали бўлиб бормоқда. Маълумки, фермерлар товуқларнинг семирини сунъий тарзда жазалаштириш мақсадида уларни тез ўстирувчи гормонлар, гени ўзгартирилган маҳсулотлар ва кимёвий озуқалар билан озиқлантиришади. Дунё экспертларининг сўнгги тадқиқотлари мазкур ўстирувчи гормонлар товуқларнинг сон гўштини таъминлаб қолишини исботлади. Бундай гўшларнинг кўп истеъмол қилиниши эса инсон организмидаги эндокрин ва иммун системаларига жиддий салбий таъсир кўрсатиб, келгусида наслдан наслга ўтувчи турли ирсий касалликларнинг келиб чиқиш хавфини тугдиради.

Дўмбоқ жўжа — кимга ўлжа!

Хусен ТАНГРИЕВ,

Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати инспектори

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, айрим сохта тadbиркорлар томонидан божхона назоратидан яширинча олиб ўтишга уринилаётган товуқ гўшти маҳсулотларининг озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш қондаларига муювчи етказилганига ҳам ҳеч қандай қафолат йўқ. Республика-миз божхоначилари томонидан сифати қафолатланмаган, шунингдек, божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган парранда гўшти маҳсулотларининг олиб ўтилишига қарши чора-тадбирлар давом эттирилмоқда.

Сирдарёлик божхоначилар бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда ўтказган тadbирда Ширин шаҳрининг қўшни давлат билан чегарадош ҳудуди орқали 300 кг. музлатилган товуқ гўштининг ноқонуний олиб кирилишига чек қўйилди. Маълум бўлишича, бекободлик Ж.Абдунабиев қиймати 3 млн. сўмлик сифати қафолатланмаган озиқ-овқат маҳсулотларини юртимизга олиб кириш учун чегарадош ҳудудда тўлаб қўйган экан.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари томонидан Фарғона туманида ҳаракатланаётган "Ваз-2101" русумли энгил автомашина тўхтатилиб текширилганда, фуқаро Б.Шокиров томонидан салкам 470 кг. сифати қафолатланмаган товуқ гўшти ноқонуний равишда олиб кетилаётганлиги аниқланди. Қиймати салкам 3,3 млн. сўмлик мазкур озиқ-овқат маҳсулотлари муқаддам айланма йўллар орқали қўшни давлатдан юртимизга олиб кирилган экан.

Шунингдек, вилоятнинг Олтириқ туманида божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда фуқаро Ф.Эргашевнинг хонадонидан амалдаги тартибларга биноан, шунингдек, ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда, бу ерда муқаддам айланма йўллар орқали олиб кирилган, божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган, қиймати 5 млн. сўмдан ортиқ 825 кг. товуқ гўшти ноқонуний равишда, боз устига сақлаш шароитларига риоя қилинмаган ҳолда сақланаётганлиги аниқланди.

Наманган вилоятида ҳам товуқ гўшти билан боғлиқ йирик қонунбузарлик ҳолати фош қилинди. Божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари томонидан Қамчиқ довоида ҳаракатланаётган "Камаз" юк машинаси тўхтатилиб текширилганда, унда божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган, муқаддам айланма йўллар орқали олиб келинган қиймати салкам 117 млн. сўмлик 15 тоннага яқин товуқ гўшти ноқонуний равишда олиб кетилаётганлиги аниқланди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар орасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Рақамларга мурожаат қилсак, ўтган 2011 йил давомида республикамиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 573 та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати салкам 1,5 млрд. сўмлик 229 тоннага яқин товуқ гўштининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Зулмат қўйнидаги савдо

Санжар ҚОБИЛОВ,

Самарқанд шаҳар прокуратураси катта терговчиси

Инсонлар умрига зомин бўлувчи "оқ ажал", яъни героин гиёҳванлик моддаси юртимизга қонунан тақиқланган бўлса-да, ҳамон унинг ортган даромад қилаётганлар топилди. 2011 йилнинг январь ойи бошларида Самарқанд шаҳар Жўғихона маҳалласида Музроб исми кишидан 9 грамм героинни 405 минг сўмга сотиб олган Аъзамжон Мажишов, унинг 0,38 граммини ўзи оз-оздан истеъмол қилди-да, қолганини сотмоқчи бўлди.

Бундан қарангки, харидор ҳам ўз оёғи билан кириб келди.

— Кел, Олим, хизмат?
— Менга озроқ героин топиб берсанг.
— Қанча олмоқчисан?
— Юз минг сўмлик берсанг бўлади.

Савдо пилгач, Аъзамжон 100 минг сўм эвазига унга 2 грамм героин гиёҳванлик моддаси берди. Ўз навбатида Олим сотиб олган героиннинг 1,36 граммини ўзи истеъмол қилиб, қолган 0,64 граммини таниши Марселга 80 минг сўмга сотди.

Марсел ушбу гиёҳванлик воситасидан 0,23 граммини ўзида сақлаб қолиб, 0,06 граммини таниши Дилшоднинг бошқарувидаги "Матиз" русумли автомашинаси ичига яширди. Қолганини ички ишлар ходимлари томонидан тadbирга харидор сифатида жалб қилинган Мадина исми аёлга 100 минг сўмга пуллади. Шу ер-

Сохта пул ва ноқонуний савдо

— Дўконимда савдо қилиб турганимда рус миллатига мансуб бир аёл ва эркак келиб, қийим-кечак сотиб олди. Улар ўзларида ўзбек сўми бўлмагани учун Россия рубласи тўлашини айтишди. Мен рози бўлдим ва улар 900 минг сўм учун 15 минг рубль берди. Эртаси куни уларни сўмга алмаштириш учун Чилонзор буюм бозоридаги валютасурушарга кўрсатганимда, бу пулар қалбаки эканлигини айтишди. Мен шунча пулга қўйиб қолишни истаганим учун, қалбаки эканлигини билсам ҳам 15 минг рубль ўтказишга ҳаракат қилдим. Қалбаки пулни ўтказиш қонунга зид эканлигини билмаган эсим. Пушаймонман...

Сўнгги пушаймондан эсим энди фойда йўқ.

СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Сирғали туман бўлимига қалбаки Россия рубли олди-сотдиси билан шуғулланиб келаётган аёл ҳақида ариза келиб тушган, унда келтирилган ҳолатни текшириб кўриш мақсадида Департаментнинг туман бўлими ходимлари ва холислар иштирокида тезкор тadbир ўтказилди. Tadbир давомида Сирғали тумани 5-мавзесида жойлашган "Азиз" кафеси олдида бир аёл фуқаро Д.Жавлоновага 15 минг Россия рублини "қора бозор" нарҳида, яъни 1 минг 500 рублнинг 60 сўмдан ҳисоблаб, 900 минг сўмга сотган вақтда тезкор гуруҳ томонидан ушланди. Текширув даво-

мида фуқаро Ёқутгой Юнусова (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) ушбу чет эл валютасининг қалбаки эканлигини била туриб, ноқонуний равишда ўтказишни мақсад қилгани ва амалга оширгани аниқланди.

Бундан ташқари, фуқаро Ё.Юнусова ижара шартномаси асосида феолият юритиб келган Чилонзор туманидаги "Катортол-савдо" МЧЖга қарашли дўконда ўтказилган ҳужжатли тафтиш жараёнида ҳам бир қанча ноқонуний ҳолатлар аниқланди.

Жумладан, у Сирғали туман ҳокимияти тadbиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясидан яқка тadbиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, юқорида кўрсатилган манзилда чакана

нинг ўзида ноқонуний савдога барҳам берилди. Аъзамжон сотувдан қолган 6,62 грамм героини 10 га бўлиб, целлофанга алоҳида-алоҳида қилиб, қадоклаб қўйди. Уларни 2011 йилнинг 5 апрель куни Олим исми "харидор"га 500 минг сўмга сотди. Бу гапга савдо ҳам "пишмади". Ноқонуний савдо билан шуғулланган Аъзамжон Мажишов қўлга олинди.

Шундан сўнг героин гиёҳванлик моддаси савдоси билан шуғулланган шахслар бирин-кетин ушланиб, уларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан жиноий иш қўзғатилди. Ишни атрофлича ўрганиб чиққан суд ҳайъати Аъзамжон Мажишовни 8 йил, Олим Раҳимовни 7 йил, Марсель Абдушевни 8 йил, Дилшод Насриевни эса 6 йилга озодликдан маҳрум қилди. Ф.Бурхановага тегишли бўлган Дилшод Насриевнинг бошқарувидаги "Матиз" русумли автомашина давлат эгаллигига ўтказилди. Шунингдек, гиёҳванд деб топилган Олим Раҳимов ва Марсель Абдушевлар гиёҳванликка қарши мажбурий даво-ланадиган бўлишди.

Олтинга тенг умрни кимдир ёруғликда, кимдир эса зулматда ўтказсади. Юқорида номлари келтирилган гиёҳвандлар умрларининг мазмунини топмаган, ўзига-ўзи хиёнат қилган кимсалардир.

А.ДЖАЛИЛОВ,

СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Сирғали туман бўлими катта суриштирувчиси

савдо фаолиятини амалга ошириш жараёнида Вазирлар Маҳкамасининг "Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида"ги 621-сонли, "Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қондаларини ҳамда умумий оватланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 75-сонли ҳамда "Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирларини тўғрисида"ги 407-сонли қарорлари талабларига зид равишда, 2008 йилдан 2011 йилнинг 29 сентябрга қадар 52 млн. 710 минг сўмлик қирим ҳужжатлари мавжуд бўлмаган моддий бойликлар савдосини амалга ошириб, шундан 38 млн. 824 минг сўмини НКМ хотирасига киритмаганлиги, харидорларга чек бермасдан, банкка инкассация қилганлиги аниқланди.

Жиноят ишлари бўйича Сирғали туман суди қалбаки чет эл валютасини ўтказиш, савдо фаолиятини амалга ошириш қондаларини жуда қўнқ микдорда бузиш жиноятларини содир этган Ё.Юнусовага қилмишига яраша жазо белгилади.

«Олтинсой» «саховатпеша»лари

Ҳаёт бир текис, инсон умри эса доим тўксанган иборат эмас. Топган ларомадингиз «қора қозон» қайнашига етиб турган бўлса-да, қутилган ва қутилмаган ҳаражатлар, қандайдир муаммолар сабаб баъзан 4-5 сўмга муҳтож бўлиб қолишини мумкин. 4-5 сўм леганимиз нисбий тушунча, албатта.



Хўш, Сизда шундай ҳол бўлганми? Бўлган, дейсизми? Ҳай аттанга! Шундай экан, Нишон туманидаги «Олтинсой» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси раиси ёки бош ҳисобчисига «муҳожат» қилмаган экансиз-да. Мушқулингиз осонгина ҳал бўлардиқўярди. Истасангиз, ҳатто кўл телефонингизнинг сўзлашув ҳақини ҳам тўлаб беришарди. Бундай серҳиммат, саховатпеша кишилар қимлар экан, дейсизми? Унда танишинг:

Худойназар Худойбердиев — 1954 йил Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси Фуқароси, маълумоти олий, oilали, 6 нафар фарзанди бор. Муқаддам қонунга хилоф ишлари учун Жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг 2000 йил 31 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 208-моддасига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баравари миқдорда жарима ҳазоси тайинланган, бироқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 августдаги «Амнистия тўғрисида»ги Фармонига асосан мазкур суд аямри билан жазодан озод этилган. Нишон тумани «Олтинсой» СФУ раиси вазифасида ишлаган.

Иккинчиси — Зиёдулла Маҳамов, 1966 йил Ғузор туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, oilали, 5 нафар фарзанди бор. Муқаддам судланган. Жиноят ишлари бўйича Нишон туман судининг 2001 йил 12 октябрдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 167-моддаси 1-қисми ва бошқа моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлиги учун унга нисбатан 2 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланган. Бироқ у ҳам Президентининг 2001 йил 22 августдаги «Амнистия тўғрисида»ги Фармонига асосан ушбу жазодан озод қилинган. «Олтинсой» СФУ бош ҳисобчиси вазифасида ишлаган.

Маълумки, амнистия — ҳалқимизга хос бағрикенглик ва кеңиримилликнинг қонуний ифодаси. Шу билан бирга, адабиёт кинойий хатти-ҳаракатлар содир этган кишилар учун тўғри йўлга қайтиб, эзгу ишлар билан шуғулланиш, тархимаи ҳолидаги қора доғларни ювиш имконияти ҳамдир. Бироқ Худойназар Худойбердиев ҳам, Зиёдулла

Маҳамов ҳам амнистиянинг моҳиятини англамаган, аввал содир этган қонунга зид ишлари учун судланганидан тўғри ҳулоаса чиқармаган ва дилдан пушаймон бўлмаган кўринадилар. Акс ҳолда яна ноқонуний ишларга кўл урмаган бўлишарди.

Улар кўл урган ишлар, юзди қараганда, ҳалқимиз азалдан улуглаб ва қадрлаб келган ҳиммат ва саховат кўрсатишга ўхшаб кўринса-да, моҳиятига кўра, тубдан фарқ қилади. Уларнинг хатти-ҳаракатлари қонунбузарлик, давлат ва жамоат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказишдан бошқа нарса эмас.

Худойназар Худойбердиев 2009 йил февраль ойдан 2011 йилнинг 4 мейга қадар «Олтинсой» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси раиси вазифасида ишлаган. Зиёдулла Маҳамов эса 2004 йилдан мазкур уюшма бош ҳисобчиси вазифасида ишлаб келган. Х.Худойбердиев СФУ раиси вазифасини эгаллагач, иккаласи ўзаро жиноий тил бириктириб, қингир ишларини бошлаб юборишган.

«Олтинсой» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси «Наврўз» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги фермер хўжалиқларига хизмат кўрсатади. Ана шу хўжалиқларга кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида ундириб олиш чораларини кўриш мазкур СФУ раиси ва бош ҳисобчисининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бироқ улар ана шу масъулиятни унутиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 мейдаги «Халқ хўжалиғида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасида чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талабларига амал қилмай, 2011 йил 1 январь ҳолида хўжалик иорутувчи субъектлардан 33295 миң сўмлик мuddати ўтиб кетган дебитор қарздорликни вужудга келтиришган ҳамда уюшма ишчи-хизматчиларининг 6795,9 миң сўм миқдориданги иш ҳақлари ўз вақтида берилмасдан қолишига, давлат ва жамоат манфаатларига жуда катта миқдорда зарар етказилишига сабабчи бўлишган.

Давлат ва жамоат маблағини ноқонуний сарфлашга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқ. Бироқ бу шахслар уюшма маблағини шу даражада талон-торож қилишганки,

ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Улар СФУ ҳисобидан қимлар учун, қаерларга, қандай мақсадларда маблағ ўтказиб беришмаган дейсиз. Бу рўйхатни келтирсак, эҳтимолки, охиригача ўқиб чиқишга сабрингиз етмас. Келинг, умумлаштириб баён эта қолайлик. У.Қўлназаров, Ш.Сариков, Қ.Мадраҳимов, Ю.Амантурдиев, Д.Ражабова, Б.Рўзиев, Ш.Икромова, З.Қандаҳоров, М.Холтурова ва бошқаларнинг ўқиши учун Тошкент Давлат маданият институти, Тошкент ирригация ва мелiorация институти, Қарши Давлат университети, Тошкент кимё технологиялари институти, Қарши муҳандислик-иктисодий институти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига шартнома пуллари тўлаб берилган. Бундан ташқари, С.Эгамбердиев, Б.Шомирзаев, С.Рўзиев ва бошқаларнинг муқобил ҳарбий хизмати учун Қашқадарё вилояти Нишон тумани ва Қарши шаҳар мудофаа ишлари бўйича бўлимлари ҳисоб-рақамларига бир неча юз миң сўмлаб пул ўтказиб берилган. Бундай «саховатпешалик»дан бошқа фуқаролар ҳам ўз мақсадлари йўлида фойдаланиб қолишган. Масалан, спиртли ичимликлар савдосига русхат гувоҳномасини олий учун С.Умбаровнинг хусусий фирмасига 720 миң сўм, «Наврўз» ҚФЙ ҳудудида яшовчи А.Панжировнинг мол-мулк солиғи учун 223,1 миң сўм ўтказиб берилган.

Бундай имкониятдан СФУ раиси ва бош ҳисобчисининг ўзлари ҳам қуруқ қолишмаган. Аслида-ку, улар турли жойларга маблағлар ўтказиб беришининг замирида ҳам манфаатдорлик бўлмаганлигига ҳеч қим ишонмайди. Қаллоблиқни қанрангки, аслида йўқ бўлган — 2008 йил 18 ноябрдаги 4-сонли шартномага асосан 3 мил-

лион сўм «Кишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари учун», деб СФУ раисига тегишли «Худойбердиев Худойназар» фермер хўжалиғига ўтказилган. Уюшма маблағини ўз фойдасига бундай ўзлаштиришдан бош ҳисобчи З.Маҳамов четда қолсинми? Албатта, йўқ. У ҳам ўзининг шахсий жамғармасига 2009 йилнинг ўзида жами беш марта — умумий миқдори 2 миллион 250 миң сўм маблағни гўё иш ҳақи сифатида ўтказиб олган. Унинг 900 миң сўми иш ҳақига нисбатан ортиқча ўтказилган. Уюшма маблағини ўзлаштиришнинг бу усулидан фойдаланишни СФУ раиси Х.Худойбердиев ҳам кўлдан бой бериши истамаган. У 2010 йил апрель ойда уч марта — жами 6 миллион 100 миң сўм маблағни ўз шахсий жамғармасига ўтказиб олган. Шунинг 3 миллион 355,1 миң сўми асосан рившида, иш ҳақига нисбатан ортиқча ўтказилган. Бу икки жиноий шерик талон-торож ва ўзлаштиришда шу даражага етишганки, ҳатто унча катта бўлмаган шахсий тўловлари учун ҳам уюшма маблағини фойдаланиб қолишга уринишган. Улар ўзларига ва яқин кишиларига тегишли турли рақамли телефонлар тўловлари учун ҳам уюшма маблағи ҳисобидан пул ўтказиб келишган.

Бу даражадаги талон-торожликнинг қисқача тафсилоти билан танишаркансиз, беихтиёр «Олтинсой»да олтин қони бор-миди?» деб юборган бўлсангиз, ажаб эмас. Бироқ бундай қон бўлмас-да, уюшманинг икки мансабдори гўё туганмас ҳазина топгандек ҳаракат қилишгани аниқ. Аслида туганмас ҳазина ҳам бунчалик совиришмайди. Х.Худойбердиев СФУдаги фаолияти, яъни 2009-2010 йиллар мобайнида уюшманинг жами 23654,1 миң сўм маблағини Низомида назарда тутилмаган йўналишларга сарфлаб, жуда кўп миқдордаги жамоат мулкни ўзлаштириш ва расстрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятини содир этган.

Ўз фаолияти давомида жами 30462,2 миң сўм маблағни уюшма Низомида назарда тутилмаган йўналишларга сарфлашига сабабчи бўлган бош ҳисобчи З.Маҳамов ҳам ана шундай айб қўйилди. Кўп миқдорда ўзлаштириш ва расстрата йўли билан талон-торож қилинган маблағ миқдори бош ҳисобчининг ҳиссасига анча кўп тўғри келмаётганига сабаб шунки, оқордида таъкидлаганимиздек, у уюшмада масъулиятли лавозимни Х.Худойбердиевга нисбатан анча олдинроқ — 2004 йилда эгаллаган ва секин-аста уюшма маблағларини ўзлаштириб бориб, янги раҳбар келгунча бу борада анча тажрибга эга бўлган. Унинг жиноий тажрибаси ошишида

Абдурайхон МУҲАММАДИЕВ,
Нишон туман прокурори
Баҳром БЕКБЎТАЕВ,
туман прокуратураси терговчиси

2004 йилдан 2009 йил фेरалигача мазкур уюшманинг раиси бўлиб ишлаган Х.Рўзиқуловнинг ҳам ҳиссаси бор, албатта. У уюшма фаолиятига жавобгар раҳбар сифатида бош ҳисобчини ноқонуний ишлардан тийиб қўйиши ҳам мумкин эди. Лекин З.Маҳамов Х.Рўзиқулов билан жиноий тил бириктиришга муваффақ бўлиб, уюшманинг кўп миқдордаги — 2006 йилда 2225,1 миң сўм, 2007 йилда 2029,6 миң сўм, 2008 йилда эса 2553,4 миң сўм маблағи уюшма Низомида назарда тутилмаган мақсадларга сарфлашига ва талон-торож қилинишига сабабчи бўлган. Кўриниб турибдики, «Олтинсой» сувдан фойдаланувчилар уюшмасида қонунга зид ишлар узлуқсиз, йилма-йил давом этиб келган. 2006-2008 йилларда ҳам оқордида айтилганларга ўхшаш, яъни ноқонуний рившида талабаларнинг контракт пулларини тўлаб бериш, шахсий жамғармаларга пул ўтказиш каби сарф-ҳаражатлар амалга оширилган. Ана шундай талон-торожликлар оқибатида уюшма ишчи-қизматчиларининг иш ҳақлари кўпчан вақтида тўланмаган ва оқибатда бу борадаги қарздорлик миқдори ошади кетган. Бундан ташқари, Х.Худойбердиев ва З.Маҳамовнинг мансаб ваколатларини сувиестеом қилишлари, раҳбарлик ва ҳисоб-китоб ишларини қонун асосида олиб бормасликлари оқибатида уюшманинг бюджет олдиданги қарздорлиги ҳам вужудга келган. Улар Нишон тумани Давлат солиқ инспекциясига солиқ тўлови бўйича ҳисоботларни атайин тақдим қилмасдан келганлар ва СФУ томонидан ягона солиқ тўлови бўйича 1312,9 миң сўмлик солиқни тўлашдан қасдтан бўйин товланган. Бундан ташқари, ревизия давомида маблағ ва мол-мулклар қирим-чиқимида ҳужжатларни сохталаштириш, алмаштириш, йўқ қилиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилганлиги аниқланган.

Ушбу жиноят ишини кўриб чиққан суд хайъати қонунга зид хатти-ҳаракатлари учун судланувчилар Худойназар Худойбердиев ва Зиёдулла Маҳамовга жазо тайинлашга барча жиҳатларини ҳисобга олди ва иккаласини ҳам Жўннинг тегишли моддалари билан айбдор деб топиб, қилмишларига яраша жазо тайинлади.

Улардан «Олтинсой» СФУ фойдасига 29350315 сўм зарар ундирилди ва 1146850 сўм моддий зарар солидар тартибда ундирилиши қайд этилди.

• Хабар

Муҳим вазифалардан бири

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари томонидан «Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, гайриқонуний ёки қадр-қимматини таҳқирловчи турларига қарши Конвенция талабларини қўлаш масалалари» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Тадбирда Олий ўқув курслари профессор-ўқитувчилари ва тинловчилари, Халқроқ Қизил Хоч қўмитаси, ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази, адвокатлар палатаси, Тошкент шаҳар прокуратураси ва ички ишлар идораларининг ходимлари иштирок этди. Шунингдек, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши ва уларнинг қадр-қимматини қамситишга имкон яратётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда олдини олиш барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг муҳим вазифаларидан бири эканлиги таъкидланди. Конференция иштирокчилари томонидан мам-

лақатимизда қийноқ, шафқатсиз, гайриқонуний ёки инсон қадр-қимматини қамситувчи муомала ва жазо турларига қарши курашувчи барча ваколатли давлат идораларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, келишилган тадбирларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Конференция якунида бу борадаги фаолият самардорлигини оширишга қаратилган илмий-амалий тадбирлар қўламини кенгайтириш, хорижий мамлакатларнинг илгор тажрибаларидан кенг фойдаланиш ҳамда мазкур соҳага фуқаролик жамияти институтлари имкониятини жалб қилиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. **Ўз муҳбиримиз**

Лондонга яқинлашяпмиз



"Кизма қоя олдидagi жанг" номи машҳур тарихий фильмда асосий жанг тақдирини табиат ҳолисасидаги ўзгариш ҳал қилади. Шамол эсишдаги ғайриодатий ҳолатни тўғри англаб, бундан унумли фойдаланган фильм қаҳрамонлари охири-оқиратда буюк ғалабага эришадилар. Дарҳақиқат, тарихдан маълумки, кўп жангларда табиатдаги ўзгаришлар ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Худди шундай футбол "жанг"ларида ҳам табиат муваффақиятининг асосий омилга айланиши мумкин экан. Биргина мисол, 5 февраль кунги об-ҳаво Ўзбекистон олимпия терма жамоасининг ғалабасига муносиб улуш қўшади, деб бемалол айтишимиз мумкин.

Аслида Лондон-2012 Осиё китъаси саралаш баҳслари 4-тур ўйинлари доирасидан ўрин олган Ўзбекистон ва Австралия олимпия терма жамоалари ўртасидаги учрашув яқинда кун соат 20:00 да старт олиши керак эди. Бироқ юртимизда об-ҳавонинг кескин пасайиб кетиши сабаб ўйин вақти 15:00 га сурилди. Албатта, бундан кўпроқ яшил китъа вакиллари истаган эди. Учрашув олдидан олимпия терма жамоаси бош мураббийи Вадим Абрамовни меҳмонларга "сюрприз" хозирлаётгани ҳақида бир неча бор таъкидлаб ўтганди. Учрашувдан сўнг В.Абрамов бу "сюрприз" ўйин вақти билан боғлиқ эканлигини маълум қилди. Учрашув вақтининг кечки 20:00 га белгиланиши "кенгуру"лар учун аталган ўзига хос "совга" экан. Хабарингиз бор, Ўзбекистон миллий ва олимпия терма жамоалари Австралияга борганда вақт масаласида муаммага учради. Дастлабки учрашувда яшил китъа вакиллари Ироқ олимпиячилари билан келишиб, ўйинни бир кун аввал ўтказгани ҳолда Абрамов шогирдларидан кўпроқ дам олиш имкониятига эга бўлган эди. Вакилларимиз эса БААга қарши оғир ўйин ўтказиб, узок Австралияга учиб борган ва мослаштириш жараёни унчалик яхши бўлмаган эди. Шундай бўлса-да, руҳий жиҳатдан катта ўсишга эришаётган олимпиячиларимиз меҳмондан керакли натижа билан қайтишган эди.

Жабоб ўйини "кенгуру"лар учун катта аҳамият касб этарди. Сабаби ўтказилган 3 учрашувда бирорта ҳам ғалаба қозона олмаган, бирор марта ҳам мағлубиятга учрамай 3 очко тўплаган Аурелио Видмар шогирдлари Тошкентга фақат ғалаба учун келганди. Австралияликлар учун бу ўйинни ҳаёт-мамат жангига қийсшлаш

мумкин. Лекин майдон эгаларини осонликча таслим этиб бўлмастлигини яхши тушуниб туришарди. Бунинг устига яшил китъа вакиллари Тошкентга келиб, ҳамма ёқни қоплаб олган қорни қўрганларидан сўнг бундай шароитда қандай футбол ўйнаш мумкинлиги ҳақида бош қотира бошлаган бўлишлари тайин. Ҳаво ҳароратининг кескин тушиб кетиши биргина бизда эмас, Европа, ҳатто Африканинг айрим давлатларида ҳам кузатилаётган. Бу ҳолат бир муддатга "яшил майдон" иборасини футбол луғатидан ўчириб туришга сабаб бўлмоқда. Уша дунёга машҳур Сан-Сиро (Италиянинг "Милан" ҳамда "Интер" клубларининг майдони). Иккинчи номи "Жузеппе Меацце" ўйингоҳининг ҳам Италия "А" сериясининг "Интер"-"Палермо" учрашувидagi ҳолатини ҳам кўрдик. Майдон оппоқ қорга бурканган эди. Бундан ташқари, Англия премьер лигасининг бир қатор ўйинларида ҳам яшил майдон оқариб қолганининг гувоҳига айландик. Шу сабабли ҳам "Жар" стадионининг ҳолатидан фожиа яшаш керак эмасди. Тўғри, тинмай ёққан қор майдоннинг сифатига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бироқ учрашувга қадар майдонда тозалаш ишлари олиб борилиб, имкон даражасида ўйинга шай ҳолатга келтирилди.

Ўйинга тўхталадиган бўлсак, бундай шароитда ким биринчи бўлиб майдонга мослаша оlsa, ўша жамоа ташаббусни қўлга олиши мумкин эди. Табиийки, бундай об-ҳаво шароитига бизникилар кўпроқ ўрганишган. Ўйиннинг 7 дақиқасидаёқ Кенжа Тўраев узок масофадан ҳавфли зарба йўллаб, дарвозабоннинг ҳушёрлигини синаб кўрди. Аммо кўп ўтмай, Австралия терма жамоаси аъзolari хавфли қарши ҳужум

уюштиришди. Яхшиямки, дарвозабонимиз Санжар Қувватов ўша вазиятда ишончли ўйнади. Шундан сўнг меҳмонлар бироз босимни оширган-дек бўлишди. Бироқ гол уриш олимпия терма жамоамизга насиб этди. Ўйиннинг 27 дақиқасида аввалроқ рақиб дарвозабонининг бундай майдонга мослаша олмаётганини синовдан ўтказиб олган Кенжа Тўраев узок масофадан зарба берди. Яшил китъалик посбон тўп дарвоза тўридан жой олишини томоша қилиб қолишдан ўзга чора топа олмади.

Вакилларимизнинг гол киритиши меҳмонларни бироз мушкул аҳволга солиб қўйди. Рақибларимизда масъулият икки қарра ортди. Аурелио Видмар шогирдлари катта куч билан ҳужумга ташланишди. Улар асосан ўйинни ўзларининг устун жиҳати бўлган иккинчи қаватда олиб боришга уринишди. Ҳатто бир вазиятда бош билан гол киритишга ҳам муваффақ бўлишди. Аммо ҳакам бу голни ўйиндан ташқари ҳолатдан урилди деб ҳохлади. Ҳакамлар ҳужумни голга етиб бормасидан ҳам тўхтатишлари мумкин эди. Чунки ўша ҳужум бошланганда тўпни жарима майдонимизга етказиб берган футболчи ўйиндан ташқари ҳолатга тушиб қолганди.

Вакилларимиз танлашга қарши китъа тўп фарқи билан ҳам чиқиб кетишлари мумкин эди. Аммо Олег Зотеевнинг аjoyиб тўп оширишдан сўнг дарвозабонга қарши бирга-бир вазиятга чиқиб борган Шерзод Каримовнинг зарбасини рақиб посбони қайтаришнинг урдасидан чиқди.

Иккинчи бўлимда Вадим Абрамов шогирдлари ҳисобни ушлаб қолишга, меҳмонлар эса аксинча, аввалига ҳисобни тенглаштириб олиб, кейин ғалабани олиб кетиш учун ҳаракат қилишди. Австралияликлар босимни ошириш эвазига иккинчи бўлимда яна битта гол киритишди. Аммо бу сафар ҳам ҳакам ўйиндан ташқари ҳолат туфайли голни бекор қилди. Ўйин ўз ниҳоясига етиб бораётган бир пайтда Олег Зотеев аjoyиб услубда гол киритиб, учрашувга нукта қўйди. Тўғрисишни айтсам, ўйин бошидан буён Зотеевнинг ўйини менга унчалик маъқул келмаётганди. Бунинг устига сариқ карточкаси бўлишига қарамай, рақибга нисбатан ўта кўпол ўйнади. Яхшиямки, ҳакам уни аяди. Акс ҳолда у майдондан четлаштирилиб, жамоадошларини қийин аҳволга солиб қўйиши мумкин эди. Уша ҳолатдан сал кейинроқ олимпия терма жамоамизнинг тезкор қанот ҳимоячиси Жасур Ҳасанов майдонга тушиш учун тарадудланиб қолганида Зотеевни алмаштира керак, деб ўйлагандим. Аммо мураббий Ҳасановни Каримовнинг ўрнига таширди. Олег эса майдонда

қолди. Бир муддатдан сўнг эса ўша Зотеев жамоамизнинг иккинчи голини киритиб, ғалабани мустаҳкамлади. Шунда олимпия терма жамоа бош мураббийининг ички сезгисига қойил қолдим.

Шу тариқа, олимпиячиларимиз Австралия терма жамоаси устидан ғалаба қозониб, Лондон олимпиядаси сари яна бир қадам ташлашди. Бу ғалаба ҳаммадан кўпроқ миллий ва олимпия терма жамоамиз бош мураббийи Вадим Абрамовни бахтиёр этган бўлса керак. Сабаби ўтган йили Абрамов бошчилигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осиё чемпионатининг ярим финал баҳсида "кенгуру"лардан қақшатқич зарба қабул қилиб олган эди. Тўғри, кейинчалик Мексикада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ўсмирларимиз акалари учун яшил китъа вакилларида ўзига хос "ўч" олишди. Аммо Вадим Абрамов ўзининг шогирдлари билан ғалаба қозониши мақсад қилгани тайин.

Гуруҳимиздаги иккинчи ўйинда БАА олимпиячилари ироқлик тенгдошларини мағлуб этиб, иккинчи ўринга кўтарилиб олишди. Энди вакилларимиз 21 февраль кунги Ироқ олимпиячилари билан куч синашишди.

Дарвоқе, олимпиячиларимиз унчага 11 февраль кунги Филиппин миллий терма жамоаси, 24 февраль кунги эса Миср олимпия терма жамоаси билан ўртоқлик учрашувларида майдонга тушади.

Лондон-2012. Саралаш баҳслари.

Ўзбекистон — Австралия 2:0

Голлар: Кенжа Тўраев (27), Олег Зотеев (86).

Ўзбекистон о.т.ж.: Санжар Қувватов, Салим Мустафоев, Акбар Исмаилов (Бобур Омонов, 68), Ислам Тўхтақўраев, Абдуқаҳҳор Ҳожиакбаров, Ойбек Қиличев, Фозил Мусаев, Шерзод Каримов (Жасур Ҳасанов, 74), Олег Зотеев, Темурхўжа Абдулоқов (Иван Нагев, 38), Кенжа Тўраев.

Сўнгги маълумотларга қараганда, ФИФА Ироқ футбол федерациясига 2011 йилнинг 27 ноябрь кунги БАА ва Ироқ олимпия терма жамоалари ўртасида Лондон-2012 Олимпиада саралаш баҳслари доирасида бўлиб ўтган, ироқлик

Мақсудали ҚАМБАРОВ, «Нуқуқ»

ларнинг 2:0 ҳисобидаги ғалабаси билан яқунланган учрашув натижаси бекор қилинган ва Ироқ терма жамоасига техник мағлубият ёзилгани ҳақида хат юборган. Бунга сабаб қилиб эса, сариқ карточкалар туфайли майдонга тушиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган Ироқ терма жамоаси аъзоси Файсал Жасим ўша йўлда иштирок этгани кўрсатилмоқда. Ўз навбатида, Ироқ футбол федерацияси бу ҳолатдан норози эканини билдириб ўтди ҳамда бу борада батафсил текширув ўтказиб, вазиятга ойдинлик киритиш бўйича арз қилишни маълум қилди.

Агар ушбу ҳолат ўзгармай қолиб, Ироқ олимпия терма жамоасига техник мағлубият ёзилмаган бўлса, БАА олимпиячилари очколар бўйича Вадим Абрамов шогирдларига етиб олишарди. Шунингдек, тўплар нисбати борасида ҳам амирлик футболчиларининг кўрсаткичлари вакилларимизнинг кўрсаткичлари билан бир хил қўрилиш олади. Бу вазиятда Ўзбекистон олимпия терма жамоасининг Лондонга бориш-бормаслиги сўнгги турда Тошкентда ҳал бўлиши мумкин. Эслатиб ўтмамиз, 14 март кунги вакилларимиз айнан БАА олимпиячиларини қабул қилишди. Нима бўлганда ҳам барчаси футболчиларимизнинг ўз қўлларида.



Нуқуқ

юридик газета
Муассис:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV
Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Yusupboy GOIPOV
Svetlana ORTIQOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Shavkat YODGOROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53
Faks: 233-10-53, 233-64-85
Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farganishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
© — tijorat material.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.
Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma j-3845. 51 075 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terikdi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: D.XALILOV
Musahhir: M.QAMBAROV
Navbatchi: O.'DEHQONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0198-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2030-7437
9772030743004